



# ERKIN YURT

## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ҲАРАКАТИНИНГ МАТБУОТ БИЛДИРИШИ



### Ўлаётган режим билан хамкорлик хавфлидир

Кейинги вақтда геополитик сабаблар туфайли, хусусан Афғонистон муаммоси сабаб бўлиб, АҚШ ва Оврупо Иттифоқининг Ўзбекистонга нисбатан қизиқиши ортганига ва бу қизиқишнинг баъзи амалий тадбирлар билан яқунланганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Жумладан, АҚШ Давлат Котибининг Марказий Осиё масалалари бўйича ўринбосари Роберт Блейкнинг минтақамизда, шу жумладан Ўзбекистонда олиб борган сиёсий музокаралари, шунингдек АҚШ фирмаларининг Каримов режими малайлари билан кўп миллиардлик иқтисодий шартномалари кун тартибига келди.

Ушбу муносабат билан Ўзбекистон Халқ Ҳаракати дунё жамоатчилигининг эътиборини қуйидаги нуқталарга қаратишни лозим, деб ҳисоблайди:

1. *Ўзбекистондаги Ислоҳ Каримов диктатураси Ўрта Осиёдаги барқарорсизликнинг асосий манбаидир. Бу режимнинг мамлакатимизда ва минтақамизда олиб бораётган гайриинсоний сиёсати қутилмаганда бутун минтақани портлаш нуқтасига олиб келиши, бу билан ғарб давлатларининг ҳозирги шароитда минтақамизда мажбурий равишда ва вақтинчалик манфаатларга*

*асосланган бутун уринишларини йўққа чиқариши мумкин. 2. Бизнинг бу огоҳлантиришимиз Каримов режимининг агониясига асосланади. Чунки бу режим ўзини оёқда тутиши мумкин бўлган бутун ахлоқий, ижтимоий ва иқтисодий асосларни еб битирди. Қутилаётган нарса бу режимнинг бунга ўхшаши бошқа диктаторлик режимлари каби тўсатдан "ўлишидир".*

*3. Ўрта Осиё минтақасининг келажакда Россия, Хитой ва ғарб давлатларининг бу ердаги манфаатларига яқин алоқадор бўлиши билан бирга, минтақа халқларининг тарихий ва миллий қадриятларига, шунингдек минтақада ҳуқуқий ва фуқаровий сиёсий тузумлар қурулишига эътибор қаратмасдан отиладиган одимлар бундай манфаатларга манфий таъсир қилиши ва ҳатто бундай манфаат эгаларининг бутун умидларини пучга чиқариши мумкин.*

*4. Ўз халқига золимано муносабатда бўлаётган диктатор Каримов режими мажбуран бўлсада дўст бўлиб кўриниши бу режим йиқилгандан кейин ҳам ушбу таассуротнинг зехнларда узоқ вақт сақланиб қолишига, бу режимнинг ўрнига келадиган янги тараққийпарвар тузум вакиллари билан яқин келажакда сиёсий ва бошқа алоқаларни қайта қуришига манфий таъсир қилиши мумкин.*

*ЎХХ мавжуд вазиятда минтақамизга алоқадор бутун сиёсий кучларни қисқа режалар билан эмас, инсон ҳуқуқларини асос оладиган умуминсоний қадриятларга ва тарафларнинг, шу жумладан минтақа халқлари ва давлатларининг манфаатларини қониқтирадиган ҳамкорликка асослангандиган, доимий истикрорни таъминлайдиган сиёсий лойиҳаларни кун тартибига келтириш керак, деб ҳисоблайди.*

**Ўзбекистон Халқ Ҳаракати**

## ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 21 ЙИЛЛИГИГА

Йигирма йил бўлди – Мустақил эмиш,  
Бу давринг ажиб бир даврондир, Ватан.  
“Олтин кафас ичра қизил гул” эмиш,  
“Булбулга тикандек ошён” дир Ватан!  
(Давоми 2-бетда)

## ҚАЧОН ЮКСАЛАДИ БУ МИЛЛАТ?!!

Ким Сенинг ғамингда, оттирмаса тонг,  
Демакки, муҳаббат даъвоси ёлгон.  
Ғамингда урмаса, гар дунёга бонг,  
Демакки, ўзгача ғавғоси ёлгон!  
Ўйламаса Сенинг ободлигинги,  
Нопоклар илгида хуноблигинги,  
Истамаса кимки дил шодлигинги,  
Демакки, эътиқод асоси ёлгон!  
(Давоми 2-бетда)

## РОССИЯДА МИНГДАН ОРИҚ МУҲОЖИР ҲИБСА ОЛИНДИ, АКСАРИЯТИ ЎЗБЕКИСТОНЛИКЛАР

Пойтахт Москва ва Россиянинг айрим минтақаларида ўтказилган икки кунлик рейд чоғида мингдан ортиқ ноқонуний меҳнат муҳожирлари ҳибса олинган. Воқеадан хабардор фаолларга кўра, улардан аксарияти Ўзбекистон фуқароларидир.  
(Давоми 3-бетда)

## ИККИ МУШТУМЗЎР ЁХУД РАСМ ТОПИШМОҚ

### Саҳифамизнинг хурматли ўқувчилари!

Ушбу суратларда икки муштумзўр расмлари ўрин олган. Сизнингча улар орасидаги ўхшашликлар ва фарқлиқлар нимадан иборат? Энг яхши жавоблар саҳифамиздан ўрин олади. Жавобларингизни изоҳ шаклида ёзишингиз ёки ушбу е маилларга юборишингиз мумкин:  
[turkistontv@gmail.com](mailto:turkistontv@gmail.com)  
(Расм 3-бетда)

## ХОНЛАР ВА ПРЕЗИДЕНТЛАР

Кўхна Туркистоннинг Амир Тимур қурган давлат парчаланиб кетгандан кейин маҳаллий хонлар томонидан уларнинг “маҳаллаларига” айланттирилгани тарихий ҳақиқатдир. Яъни, “Бизки мулки Турон, амри Туркистон-миз” сўзи шиор ва воқеалик бўлишдан чиққанига асрлар бўлди.  
(Давоми 4-бетда)

**ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 21 ЙИЛЛИГИГА**

Йигирма йил бўлди – Мустақил эмиш,  
Бу давринг ажиб бир даврондир, Ватан.  
“Олтин қафас ичра қизил гул” эмиш,  
“Булбулга тикандек ошён”дир Ватан!

Хануз кутилмадинг жабру-зулмдан,  
Эй халким, пешонанг шўр экан чиндан,  
Билмадим, сен нажот кутасан кимдан?  
Золимнинг қўлида нолондир – Ватан.

Далалар ичинда пахта толамас,  
Уни тераётган гўдак боламас,  
Қир адирда ўсган гуллар, лоламас,  
Жигарингдан окқан, бу қондир – Ватан.

Бузилди мезонлар, тошу-тарози,  
Ҳаммада бор ташвиш, ҳамма норози,  
Эшитмас додинги порахўр – кози,  
Халқ адолат излаб, сарсондир, Ватан.

Ноинсоф золим шоҳ, юртнинг Хонидир,  
Унинг озуқаси – халқнинг қонидир,  
Шулар бу давринг “қахрамон”идир,  
Асл фарзандларинг “душман”дир,  
Ватан.

Гўё, хумо қуши қўнди-ку бизга,  
Чўлда сароб, сувдек кўринди кўзга,  
Бугун тушунарли эмасми сизга?  
То хануз бағрингда, пайқондир – Ватан.

Бугун гўё булар омади чопган,  
Асли ўз уруғин илдин чопган,  
Золимлар зулмидан юртидан қочган,  
Қанчалар ғурбатда, гирёндир, Ватан?!

Қани дўсту-ёринг, кардош-қадрдон,  
Барчага душмансан, барчадан пинҳон,  
Қанча фуқаролар, қанча мусулмон  
Мустабид режимга қурбондир, Ватан!

Уйда фарзандлар оч, ота излар пул,  
Кетарлар чет элга, аёллари тул,  
Қизлари фоҳиша, ўғиллари кул,

Дунёда расвои жаҳондир, Ватан!

Жайхуннинг сувлари ювмас қирғоғин,  
Шўр босди унумдор еру-гупроғинг,  
Пешонанг шўр экан, қуриди боғинг,  
Уммонинг бугун чанг, тўзондир, Ватан!

“Жаслик” билан бадном бўлдинг олам-  
га,  
Фахр эмас иснод керак одамга,  
Қачонгача сабр этарсан бу ғамга,  
Дилинг тўла афеус, армондир, Ватан!

Халқинг кашшоқ бўлиб, қуриб битди-ку,  
Ўғлонинг турмада чириб битди-ку,  
Эрк истаган мардлар ўлиб битди-ку,  
Мустақил бўлганинг ёлғондир, Ватан!

Ота-боболарим дил берган сенга,  
Улардан қолган хок, мероссан менга,  
Лекин алишмасман мен сени динга,  
Иймонимдан қадринг арзондир, Ватан!

Сени дардинг учун менда чора йўқ,  
Қийналаман кўриб, нетай чора йўқ,  
Сен каби жафокаш жигар-пора йўқ,  
Аҳволинг ақлим ҳайрондир, Ватан!

**М. Абутов**

**ҚАЧОН ЮКСАЛАДИ БУ МИЛЛАТ?!!****Насихат**

Тушларинг айтма, сувга, уммонга,  
Сиринги фош этма, жумла жаҳонга,  
Керакмас, бошинг тошларга урмоқ,  
Чиқиш мумкин эмас экан, осмонга!  
Тикилма умидвор, натижаси йўқ,  
Етолмайсан, демак, бўлсин қўнғил тўқ,  
Борига қил шукр, ураверма дўқ,  
Сабр кил бугунги, шу имтиҳонга!  
Ўзгага бек бўлма, бўлғил, нафс беки,  
Уммонга тикилма, кўринмас чеки,  
Унутма, эришган топганинг, неки,  
Барин ташлаб кетиш зарур, инсонга!  
Истаганинг бўлмас экан, начора?,  
Ўтган умринг қайтмас экан, начора?,  
Ҳаёт ғамсиз ўтмас экан, начора?,  
Бас, энди, ўзинги, урма ҳар ёнга!

**Элимга**

Ким Сенинг ғамингда, оттирмаса тонг,  
Демакки, муҳаббат даъвоси ёлғон.  
Ғамингда урмаса, гар дунёга бонг,  
Демакки, ўзгача ғавғоси ёлғон!  
Ўйламаса Сенинг ободлигинги,  
Нопоклар илгида хуноблигинги,  
Истамаса кимки дил шодлигинги,  
Демакки, эътиқод асоси ёлғон!  
Кимдир бўлса гар соҳиби диёнат,  
Кимдир қилар ҳар жабҳада хиёнат,  
Зиммамизда турар улкан омонат,  
Кимки инкор этса, таквоси ёлғон!

**Бир профессорнинг “Ўзбек халқи  
орзу қила олмайдиган халқдир”  
деган хулосани эшитиб:**

Орзу қилишдан ҳам бўлишса маҳрум?,



Орзу қилиш барча инсонга хосдир.  
Эй, менинг бечора, муштипар халқим,  
Сенинг орзуларинг – сигарет, носдир!  
“Керак эмас бизга, беҳуда орзу,  
Қора қозон қайнаб турса етарли.  
Уйимизда бўлса қора нон ва сув,  
Деймиз: бизнинг “Доно Подшоҳга  
балли”!  
Нима керак бизга беҳуда орзу?,  
Орзу қилаверсин, хаёлпарастлар.  
Бизга тинчлик керак, асосийси шу,  
Буни тушунмаслар, эслари пастрлар”.  
Келажак ҳақида кўргин фикрлаб,  
Тасодиф шамоли қаён элтажак?  
“Юртбоши айтганини эшитдим, тинглаб,  
Буюк экан, келаятган келажак”  
Хуллас, ўз ҳаётин келажакига,  
Ўзлари қилмаса ирода, журъат.  
Орзу қилишни ҳам эплаёлмаса,  
Қачон юксалади бу Миллат?!!

**Эй, Халқим!**

Сен юксалолмайсан ушбу аҳволда,  
Эй халқим, ичингда ўғрилари кўп.  
Бир биринга ётсан, муғлақ бегона,  
Қачон бўлар сенинг тўғрилари кўп?  
Бугун сенга тарих, аслинг бегона,  
Отанг ким эди-ю, ким бўлган Она?,  
Фитналик бўлди-ку, бугун замона,  
Чор тарафга тортар, чолғуларинг кўп.  
Ҳар ким яшар ўзин даврони билан,  
Ўзига берилган имкони билан,  
Авлодларинг ўтар, армони билан,  
Қай бирин айтигин, қайгуларинг кўп?  
Ғариб бўлдик, айро тушиб Ватандан,  
Жон ҳам видо қилар бир кун бу тандан,  
Хаёлан ҳеч айрилмадим мен Сендан,  
Изхор қилолмассан, туйғуларинг кўп!

**Эрк учун курашмасак...**

Барчасига сабр қилиб одамзод,  
Рўшноликни кутиб, ўтиб бородир.  
Ҳар нарсаса бўлар экан қисмат ёр,  
Начора? деб, бу халқ, кутиб бородир.  
Боболари йиғлаганди, қадрим деб,  
Неваралар, тик тутолмас қаддим деб,  
Индамаса, “тинч қулоқ, оч қорним”  
деб,  
Дардларини дилга ютиб бородир.  
Ўлим хавфи тўсар бизни курашдан,  
Ўлим яхши-ку, қул бўлиб яшашдан,  
Ихтиёр биздамас, ҳаёт ўлишдан,  
Тақдир келиб, бир бир тутиб бородир.  
Қул бўлишга рози бўлдик, пул учун,  
Эрку-озодлик бегона қул учун,  
Ўлимга рози бўлмаган эл учун,  
Қисмат фақат қуллик битиб бородир!

**М. Абутов.**

Пойтахт Москва ва Россиянинг айрим минтақаларида ўтказилган икки кунлик рейд чоғида мингдан ортиқ ноқонуний меҳнат муҳожирлари ҳибсга олинишган. Воқеадан хабардор фаолларга кўра, улардан аксарияти Ўзбекистон фуқароларидир. Аён бўлишича, энди расмий тартиб-қоидаларга мувофиқ, улар хорижий

тация этишга оид бир томонлама ҳукмлар чиқармоқда. Фаол сўнгги ҳибсга олишлар фақат меҳнат муҳожирларининг мақомига боғлиқ бўлмай, бунинг ортида сиёсий сабаблар ҳам ётган бўлиши мумкин, дейди. «Ўзбекистон ҳукуматининг охириги сиёсий ўйинлари, Коллектив Хавф-

тутувчи ҳужжатларни тайёрлашни ҳам талаб қилганди. Айрим минтақавий таҳлилчиларга кўра ҳам, жаноб Путиннинг ягона мақсади - меҳнат муҳожирларини депортация қилиш орқали, Марказий Осиё ҳукуматларига сиёсий таъсир ўтказишдир. Уларга кўра, миграция қонунини

## РОССИЯДА МИНГДАН ОРТИҚ МУҲОЖИР ҲИБСГА ОЛИНДИ, АКСАРИЯТИ ЎЗБЕКИСТОНЛИКЛАР

фуқароларни тутиб туриш марказига олиб келинади. Бармоқ изларидан нусха олинади. Шахсларини аниқлантириш учун ўз мамлакатларига сўровнома юборилади ва шундан сўнг, ҳибсдагилар ортга депортация этилишади. Маҳаллий фаолларнинг айтишларича, бу каби рейдлар ҳар ой ўтказилса-да, Россияга келувчи меҳнат муҳожирлари оқими кучаядиган август-сентябр ойларида янада фаоллашади. «Масъуллар ўзларининг ҳисоб-китобларига мувофиқ, меҳнат муҳожирлари сонидан мувозанат сақлаш учун ҳам бу каби рейдларни ўтказишади», дейди Москвадан уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя этиш билан шуғулланувчи фаол Баҳром Ҳамроев: Россияда меҳнат қилаётган ноқонуний муҳожирларни ушлашга қаратилган рейдлар, одатда, маҳаллий полиция кучлари ва Федерал Муҳожирлик Хизмати ходимлари билан ҳамкорликда уюштирилади.

### Ноқонуний муҳожирликми ё сиёсат?

Фаол Баҳром Ҳамроевнинг меҳнат муҳожирлари билан суҳбатларига таяниб айтишича, Россияга уч ой ичида кириб, чиқиш одамларга қимматга тушади. «То бир ишнинг бошини тутгунларича, уч ой муддат ўтади-кетади. Шунинг учун ҳам, уларнинг аксарияти Россияда ноқонуний юришга мажбур бўлишади», дейди фаол. Унга кўра, ҳозир, ҳатто, Россияда қонуний юрган Ўзбекистон фуқаролари ҳибсга олиниб, Москва маҳкамалари уларни ортга депор-



сизлик ҳамкорлик Ташкилотидан чиқиб кетилиши, МТС билан боғлиқ можаролар, ҳуллас, шу охириги бир, икки ой ичида жуда кўп ҳолатлар бўлди. Умуман, Россияда Ўзбекистон фуқароларига қарши қайфият кескинлашяпти. Буни бир акцияга ҳам ўхшатиш мумкин». Маҳаллий кузатувчиларга кўра эса, Ўзбекистондан четга меҳнат муҳожирларининг оқими кун сайин ортиб бормоқда ва охириги пайтларда уларнинг бутун оиласи билан Россияга кетиши тенденцияси ҳам пайдо бўлган. Аммо улар мавжуд вазиятга қарамай, ўзбекистонлик меҳнат муҳожирларининг четда тўкнаш келаётган муаммоларига нисбатан сиёсий бефарқлик мавжудлигини урғулашади.

### Жавобгарлик кучайтирилади

Шу йил март ойида учинчи бор қудратга келган президент Владимир Путин эса, декабр ойи якунига қадар муҳожирлик қонунини бузганларга қарши маъмурий ва жиноий жавобгарликни кучайтиришни кўзда

бузганларга қарши маъмурий ва жиноий жавобгарликни кучайтириш режаси меҳнат муҳожирларининг яна яширин ишлашга ўтишларига олиб келиши мумкин. Россиядаги фаол Баҳром Ҳамроевнинг энг сўнггида айтишича, фуқароларининг ноқонуний меҳнат муҳожирлигига юз тўтишларининг олдини олиш учун Ўзбекистон ҳукумати кескин сиёсий ўзгаришларга кўл уриши лозим. «Россия билан ҳам мувозанатли сиёсат олиб бориш керак эди. Тўғри иқтисодий ислохотлар, Ўзбекистонда коррупцияга барҳам бериш бу - энг асосий йўллар, биринчи қадамлардан...», дейди фаол.

### Агар рақамларга қаралса

Жаҳон банкининг огоҳлантиришича эса, Россияда тобора қисқараётган ишчи кучининг ўрнини қоплаш учун яқин 20 йилда 12 миллион меҳнат муҳожирлари жалб этилиши лозим бўлади. Аммо Россия расмийлари меҳнат муҳожирлари жалб этилиши лозимлигини тан олишса-да, жамиятда уларга бўлган муносабат ҳамон мураккаблигича қолаётган. Агар хизмат маълумотларига қаралса, Россияга йилига 13-14 миллион хорижлик келади. Улардан 80 фоизга яқинини эса, МДХ давлатлари фуқаролари ташкил этишади. Ўз рўзгорини тебратиш учун Россияда тер тўкаётганлар ўзбекистонликнинг сони эса, бир неча миллион кишини ташкил этиши айтилади.

bbc.uzbek

## ИККИ МУШТУМЗЎР ЁХУД РАСМ ТОПИШМОҚ



### Саҳифамизнинг ҳурматли ўқувчилари!

Ушбу суратларда икки муштумзўр расмлари ўрин олган. Сизнингча улар орасидаги ўхшашликлар ва фарқлиқлар нимадан иборат? Энг яхши жавоблар саҳифамиздан ўрин олади. Жавобларингизни изоҳ шаклида ёзишингиз ёки ушбу е маилларга юборишингиз мумкин:

turkistontv@gmail.com



Кўхна Туркистоннинг Амир Тимур қурган давлат парчаланиб кетгандан кейин маҳаллий хонлар томонидан уларнинг “маҳаллаларига” айлантирилгани тарихий ҳақиқатдир. Яъни, “Бизки мулки Турон, амри Туркистонмиз” сўзи шиор ва воқеалик бўлишдан чиққанига асрлар бўлди. Ўзи хон, кўланкаси майдон Туркистон хонларининг ўзаро низолари тарихда машҳурдир. Масалан, руслар Туркистонга бостириб келганда, улар бир бирига ёрдам бериш ўрнига, бир бирининг гўштини еган, яъни бирови ўз “маҳалласини рус босқинчиларидан ҳимоя қилганда, бошқаси унга орқадан ҳужум қилганди. Хуллас, бугунга келиб, ўзи хон кўланкаси майдонларнинг ўринларини ўзи Президент кўланкаси “бошизмлар” эгаллашди. Шунга ўхшаш гапни кимдир айтган эди да: Большевикмдан қутулиб бошизмга тутилдик, дея. Ўзбекбоши, туркманбоши, юртбоши, овулбоши...

Бу “бошларни” таъриф этиш ҳам осон эмас. Масалан, Туркманбоши ҳаётлигида ҳам, ўлгандан кейин ҳам унинг нима иш қилганини биров тушунтириб бера олмайди. “Рухнома”, деган китоб ёзган эди, муаллифи ўлгандан кейин бу китоб ҳам у билан қабрга қўйилди. Қирғизбошилар бирин кетин алмашиб турибди. Бир аёл

## ХОНЛАР ВА ПРЕЗИДЕНТЛАР

қирғизбоши бўлгандан кейин менинг диним йўқ, дея дунёга жар солди. Ҳозиргиси эса Кутузов ҳам қирғиз эди, дея дунёга кулгу бўлмоқда. Бир томонда ўз ёғига ўз қовураётган Тожикбоши, бошқа томонда ўз халқини ўзининг ёғига қовураётган Ўзбекбоши. Яъни, на маҳаллий сиёсатни, на да дунё сиёсатини тушунмайдиган бошчалар...

Шу Қозоқбошида иш бормикин, деган хаёл келади кишининг бошига. Чунки советлар замонида қозоқ бовурларимиз (биродарларимиз) шунчалик руслашган эдики, улар масалан, ўзларининг тилларини тамоман унутган эдилар. Дини Ислоом билан қозоқларнинг ораси аввалдан ҳам анча узок эди. Қозоқбоши ўзи қозоқча гапириб, бу ишда бовурларимизга ўрнак бўлди. Бунинг устига у бутун дунёдаги қозоқларни ватанларига қайтиб келиш учун имкон яратди, уларга фуқаролик ва янги қозоқ давлатининг паспортларини берди. Кейин қозоқ тили давлат тили бўлди, ва ҳозирда бовурларимиз асосан она тилларида гаплашади. Айтишлари-ча, қозоқлар орасида ҳеч бир замон Ислоом дини ҳозиргидек тарқалмаган экан. Шу билан бирга Қозоқбоши ўз фуқароларига иқтисодий эркинликларни ҳам таъминлади. Аммо бу мамлакатдаги иқтисодий “шок терапия”, яъни инсонларни банкларга қул қилиш сиёсати тўғриси ишга ярамади. Бу сиёсатдан нарху наво осмонга чиқиб кетгани бор гап. Масалан, бундан тўрт беш йил олдин Олмаотадаги икки хонали уйларнинг нархи юз минг долларгача кўтирилди. Бу уйларни банкдан қарз олиб сотиб олганларнинг ҳолига ҳозирда маймунлар йиғлаётгани ҳам рост гап...

Шу Туркистон деган ягона тананин мустақил “бошчалари” ичи-

да Ўзбекбошини ҳам ақлсиз, деб бўлмайди. Аммо юртбошининг ақли нимагадир инсоннинг эмас, доимо шайтоннинг ақли тарзида ишлайди. Шунинг учун ҳам ўзбекбоши ҳеч турмасдан ёлғон гапиради, фитна қилади, масалан, Тошкентни портлатиб, бун муҳолифатга тўнкамоқчи бўлади. Ёки халқини қатлиом қилиб, бун террорчиларларнинг (ўзини ва малайларини назарда тутса керак) иши, дейди. Маълум бўлгани каби Ўзбекбоши ҳам эски коммунистлардан. Коммунистлар эса ёлғон топа олмай қолган нодир ҳоллардагина рост гапирар эдилар. Бу ҳақда улар ўз замонида “бизнинг Правдада правда йўқ, бизнинг Известияда известия йўқ”, дейишарди. Афсуски, Ўзбекбоши Президент бўлгандан бери бу рост гапириш нодир ҳоли ҳозиргача бирор марта кузатилмади...

Қарангки, Ўзбекбошининг бу сифатини у билан музақора олиб борадиганлар ҳам яхши ўрганиб олибдилар. Улар Ўзбекбошининг асосий қуролининг ёлғон эканлигини билганликлари учун унга қарши бу қуролни ишлага бошлаганлар. “Регнум” агентлигининг ҳукуматнинг хуфяси Узметрономга асосланиб билдиришича (regnum.ru) яқинда америкалик обрўли меҳмонлар билан учрашган Ўзбекбоши уларнинг мактовларига ишонмаган экан. Бу учрашувда америкаликлар Ўзбекистон катта иқтисодий тараққиётга эришди, дея Ўзбекбошининг қулоғига лағмон эшган эдилар. Аммо хуфянинг таъкидлашича бу гап Юртбошининг бу қулоғидан кириб, у қулоғидан чиқиб кетганмиш.

Оббо Юртбоши... э кечирасиз, Фитнабоши эй! Америкаликлар ҳам сизга бас кела олмас эканда!

Абдуррахмон Муҳаммад

## ТУРКИЯДА КУРД ИРҚИЛАРИНИНГ ТЕРРОРИ ОРТМОҚДА

Рамазон ойи давомида Туркияда миллий мажора ҳолига келган курд ирқчиларининг террористик ҳаракатлари сони ортганлиги кузатилмоқда. Бундай террор ҳаракатлари фақат ҳарбийларга қарши эмас, тинч аҳолини ҳам нишонга олаётгани кечагина Ғозиантеп шаҳрида рўй берган портлашларда ҳам кўрилди. Ҳозирча бу портлашларни курд ирқчиларининг асосий ташкилоти ПКК (Курд Ишчи Партияси) ўз зиммасига олмаган бўлсада, бу мамлакатдаги жараёнларни кузатиб бораётганларнинг ушбу портлашларни айнан ПКК тарафидан амалга оширилганига шубҳа қилмайдилар. Маълумки курдлар Туркия аҳолисининг 10-15% ташкил

қилади ва асосан мамлакатнинг шарқий жанубий минтақаларида яшаши. Туркиядаги мавжуд секулар режим аҳолининг бир қисми, шу жумладан курдлар орасида ҳам коммунистик (атеистик) ва ирқчилик ғояларининг тарқалишига, бу эса ўз ўрнида курдларнинг ўз давлатларини қуриш талаби билан чиқишига сабаб бўлган эди. ПКК айнан мана шундай ғоялар билан қуролланган ва ўз курашида 1980 йиллардан кейин куч ишлатиш усулларини қўлланиб келмоқда. Утган 30 йиллик даврда ушбу ҳаракатлар ва ҳукумат аскарларининг исёнчиларга қарши ўтказган амалиётларида жами 50 мингга яқин кишининг қурбон бўлгани тахмин қилинади.



Айтиш керакки, замонавий Туркиянинг ижтимоий сиёсий ҳаётида айнан курд сепаратистларининг ҳаракатлари билан алоқали муаммо асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Курд исёнчиларининг ғарб давлатлари ва Туркияга қўшни бўлган Ироқ ва Суриядаги курдлар тарафидан қўллаб қувватланиб келаётгани ҳам маълум ҳақиқатдир.

Истанбулдан ўз мухбиримиз

22 август куни Қирғизистонга илк бор расмий ташриф билан келган Қозоғистон президенти Нурсултон Назарбоев қирғизистонликларга бундан буён ўз кучига таянган ҳолда умргузаронлик қилишни маслаҳат берди. Назарбоев фикрича, қирғизистонликлар бундан буён хориждан грант ва ёрдам умид қилмай, қўлни қўлга бериб ишлашлари керак.

лан катта давлатга айланади, — деди Қозоғистон президенти. Назарбоев фикрича, бугунги кунда бўҳрон туфайли Европа ва АҚШ банклари берадиган қарзга умид боғлаб бўлмайди. “Шу важдан, Қирғизистон имкон қадар тезроқ (Россия, Беларуссия ва Қозоғистон кирган) Божхона иттифоқига қўшилиши керак, шунда муаммолар, шу жумладан, Евросиё иқтисодий



## НАЗАРБОВ ҚИРВИЗИСТОНЛИКЛАРНИ ЧЎНТАККА ҚАРАБ ЯШАШГА ЧАҚИРДИ

- Энди барча инқилоблардан, урушлардан ўтиб бўлдинглар. Қачонгача шунинг орқасида юрасизлар. “25 ёшгача инқилобчи бўлмаганнинг юраги йўқ, 40 ёшгача консерваторга айланмаганнинг мияси йўқ”, деган гап бор. Энди ақлни киритадиган ҳодисалар юз бериб бўлди. Бундан буёғига ҳаммаси яхши бўлиб кетади, деб ўйлаймиз. Бунинг учун қўлдан келган ёрдамни қиламиз. Эл ичида тинчлик-осойишталик ҳукм суриб, раҳбарларга ишлашга имконият бериб, қирғиз халқи бир ҳукумат, бир раҳбарнинг атрофида жамланмагунча бирор ўзгариш бўлмайди. Давлатлар ерининг кўлами билан эмас, балки меҳнат қилган фуқаролари би-

ҳамжамияти фондидан маблағ олиш масаласи ҳам тезроқ ҳал бўла бошлайди”, деди Қозоғистон президенти. Маълумотларга кўра, 22 август куни икки давлат президентлари учрашуви чоғида олти ҳужжат имзоланган. Бу ҳақда сўзлаган Қирғизистон президенти Алмазбек Атамбаев икки мамлакат ўртасидаги алоқалар янги босқичга кўтарилганини урғулади. - Фақат Қирғизистонгина эмас, балки бутун дунёда қурқоқчилик туфайли юзага келган озиқ-овқат танқислиги билан боғлиқ вазиятни эътиборга олиб, бизга 100 минг тонна буғдой ажратишни сўрагандик, 200 минг тонна берадиган бўлишди. Нурсултон Абишевич менга:

“Қанча керак бўлса, шунча олаверинглар”, деб ҳам айтди. Яна бу йил қўшимча 100 миллион куб метр газ олиш ҳақида ҳам келишиб олдик. Юқори кучланишли Олмаота-Кемин электр узатиш линиясини қуриш лойиҳасини амалга ошириш ҳақида гаплашдик. Буни қуриб олсак, келажакда энергетикани экспорт қила оламиз. Шунингдек, янги ГЭСлар қуриш тўғрисида ҳам сўзлашдик. Ҳукуматлараро комиссияга Чимкентдан Қирғизистонга нефт қувури тортиш масаласи устида ишлаш топширилди, — деди Алмазбек Атамбаев. Бундан ташқари, кечаги учрашувда Қозоғистон Қирғизистонга қўшма сармоя жамғармаси учун 100 миллион АҚШ доллари ажратиши ҳам маълум бўлди.

ozodlik

Мустақиллик байрами арафасида “Ижтимоий фикр” жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази ўзининг навбатдаги хулосаларни эълон қилибди. Бу ҳақда хабар берган “Озодлик” радиоси (ozodlik) Ўзбекистонликларнинг 95% ўз ҳаётидан мамнун эканликларини айтади. Мана буни ёлғоннинг туяси, деса бўлади. Бутун дунё тарафидан диктаторлик, дея эътироф қилинган, инсон ҳуқуқларининг “Х”си ҳам топилмайдиган, энг камида 5 миллион инсон зулмдан қочиб, бошқа мамлакатларга кетган давлатда 95% аҳоли аҳволдан фақатгина шикоятчи, яъни

## ЁЛҒОННИНГ ТУЯСИ



норози бўлиши мумкин. “Ижтимоий фикр” эса ўзининг бу хулосаси билан кулгудан бошқа нарсани ҳақ этмайди. Бу ташкилотнинг хулосаси

бизга советлар даврида ўтказиладиган сайловлар, референдумлар ва ижтимоий тадқиқотларнинг натижаларини эслатди. Ўша замонлар муқобилликка йўл қўйилмайдиган бундай “текширувларда” коммунистлар доимо 95% тарафдор тўплар эдилар. Диктатор Каримовнинг шахсий ёлғончилигини ўзбеклар учун фаровон ҳаёт қилиб кўрсатиш албатта мантқиқсизликдир. Аммо нима бўлганда ҳам кўпи кетиб ози қолди. Бу золим режим тарихга кўмилиши билан давлат ва халқ ҳаётига оид ҳақиқатлар албатта ошқор бўлади...

Фурқатбек

## ҚАТЛИОМДА АРМАН ИЗИ

Сурия инқилоби Олий Кенгаши тарқатган маълумотларга кўра, Сурияда сунний мусулмонларга қарши олиб борилаётган қатлиомда арманлар фаол иштирок этмоқдлар. Олий Кенгаш бундай жиноятнинг жазосиз қолмаслиги ҳақда Суриядаги арманлар жамоасини огоҳлантирган.

Ҳақиқатан ҳам сўнги ойларда Башир Асад ҳукуматига қаршли кучлар эканлиги айтилаётган гуруҳлар тарафидан сунний мусулмонларга қарши, ёшу-қари демай, хотину-халаж демай, ақл бовар қилмас зулмлар қилаётганларнинг бир мусулмон эканлигига ва уларнинг ушбу қурбон бўлаётган инсонларга бир миллатдош эканлигига

шубҳа пайдо бўла бошлаган эди. Ҳатто Башир Асад ҳукумати ҳам содир этилаётган бир қанча жиноятларга ўз аскарларининг алоқаси йўқлиги ҳақда баёнот берган эди. Сурия инқилоби Олий Кенгаши тарқатган маълумотлардан сўнг ушбу қатлиомнинг дунё жамоатчилиги назаридан четда қолаётган жиҳатлари ҳам очиқликка чиқа бошлаган кўринади.

Мақсуд Бекжон

## МУСТАҚИЛЛИК АРАФАСИДА ТОШКЕНТДА НАЗОРАТ КУЧАЙТИРИЛДИ

Мустақиллик байрами арафаси пойтахтда аэропорт, темир йўл вокзаллари, автобус станциялари, автойўллар, бозорлар ва бошқа жамоат жойларида назорат кучайтирилди.

Милиция ва маҳалла ҳамкорликда Шу кунларда Тошкентда “Тозалаш-антитеррор” тадбири ўтказилаяпти. Айни тадбир, Озодлик манбаларига кўра, милиция ходимларининг маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари билан ҳамкорлигида амалга оширилмоқда.

Миробод туманидаги Шароф Рашидов маҳалласининг ўзини таништирмаган ходимига кўра, Мустақиллик байрами муносабати билан ўтказилаётган ушбу тадбир байрам кунлари хавфсизликни таъминлаш мақсадида амалга оширилаяпти.

- Бизлар РОВД билан ҳозир учта йиғилиш ўтказдик “Антитеррор” тадбири бўйича, профилактика нозирлари билан биргаликда. Ҳозир байрамга тайёргарлик кўриб қўшимча куч беришди РОВД томонидан. Тинчликни сақлаш, байрамга огоҳлик, ҳуқуқбузарларни йўқ қилиш, олдини олиш бўйича иш олиб бораяпмиз, деди маҳалла фаоли.

Участка нозирлари “казарма” ҳолатида

Исмани ошкор қилмаётганимиз Юнусобод туманидаги участка нозирларидан бирининг айтишича, шу кунларда шаҳардаги барча участка нозирлари кучайтирилган тартибда ишлаяпти. “Биз “казарма” ҳолатидамиз.

Ҳайитдан уч кун аввал шу тартибда ишлашга ўтдик. Кеча-кундуз постдамиз. Энди Мустақиллик байрами ўтгунча “казарма” ҳолатида бўламиз”, деди участка нозир Озодлик билан микрофонсиз суҳбатда.

Участка нозирининг бу гапини билвосита тасдиқлаган ЎЗА агентлигининг

ёзишича, Тошкентдаги 476 та милиция таянч пунктида участка нозирлари “Тозалаш-антитеррор” тадбири доирасида куну тун ишлаяпти.

Маҳалла посбонлари ҳам кечаю кундуз навбатчиликда

Чилонзордаги Наврўз маҳалласининг ўзини таништирмаган фаолига кўра, байрам арафасида нафақат милиция ходимлари, балки маҳалла посбонлари ва фаоллари ҳам кечаю кундуз навбатчиликни йўлга қўйган.

- Маҳаллада навбатчилик қилинган. График бўйича нима қилишяпти, навбатчилик қилишяпти. Уй бошлиқлари билан суҳбат ўтказдик. Уларга огоҳлантириш бердик, дейди маҳалла фаоли.

Мардикорлар “ови” ҳам кетаяпти Озодликнинг Тошкентдаги манбаларига кўра, шаҳарда айни тадбир доирасида паспорт текшириш бўйича кенг кўламли рейдлар ўтказилаяпти. Тошкентда яшовчи Шавкат Бадаловга кўра, паспорт текшириш рейдлари, асосан, мардикорлар ва вилоятдан пойтахтга меҳмонга келганларга қаратилаяпти.

- Байрам яқин бўлгани учун назорат кучайган. Ҳар куни ҳар битта бозорда милициянинг автобуслари келиб турибди. Мардикорлар, эрталабдан кечгача бозорда иш пойлаб турганларни, ташқаридан келганларни, Тошкентдан ташқаридан келганларни пойлаяпти. Кўпчилигининг документи чагоқку. Уларни автобусга босиб, Панелнийга олиб боришади, уйига ҳам жўнатиб юборишади. Ҳар йил бўладиган жараёнку. Байрам олдидан ҳаммасини кувади, дейди Шавкат Бадалов.

Отинойилар уйма-уй юрибди Чилонзордаги Меҳржон маҳалласининг Озодлик мухбири суҳбатлашган фаолига кўра, байрам кунлари хавфсизликни сақлаш



мақсадида отинойилар маҳалладаги диндорлар оиласи ичида тушунтириш ишлари олиб бораяпти.

- Оилалар билан ишлаяпмиз. Носоғлом диний гоёлар тарқалмаслигининг олдини олиш учун диний оқимдаги оилалар билан ишлаяпмиз. Вояга етмаганлар билан ишлаяпмиз. “Антитеррор” тадбир ўтказилаяпти. Мана, масалан, бизлар уй бошиларни йиғиб, подъездкомлар билан суҳбатлашяпмиз. Бизнинг маҳалламизда диний оқимдалиги учун ИИБ рўйхатида турадиган иккита одам бор. Ушалар билан суҳбатлар ўтказаяпмиз. Маҳалламизга бириктирилган отинлар бор, қўлида сертификати бор, имомлардан ўтган. Улар келиб, оилаларга кириб, суҳбатлашиб, керакли маслаҳатлар бериб тушунтириш ишлари олиб бориб юришибди. Маҳалла билан ҳамкорликда маҳалла отинлари юришибдида, дейди маҳалла фаоли.

Тошкент шаҳар Ички ишлар бошқармасининг маҳаллий матбуот орқали тарқатган хабарига кўра, байрам арафаси ва байрам кунлари пойтахтдаги йўл-патрул назорати кучайтирилади.

Озодлик суҳбатлашган оддий тошкентликларнинг айтишича, пойтахтга кираётган ҳар бир автомобилни қаътий текширувдан ўтказиш жараёни аллақачон бошланган.

Озодлик

## МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИ ОЛДИДАН ЎЗБЕКИСТОНЛИКЛАР ҲАШАРГА ЧИҚАДИ

буйруқда тадбирдан мақсад мамлакат мустақиллигининг 21 йиллигини нишонлашга муносиб тайёргарлик кўриш экани қайд этилган.

Ҳашар доирасида маҳалла, аҳоли пунктлари, болалар майдончалари, боғ ва хиёбонлар, кўчалар, қабристон ва зиёратгоҳларни ободонлаштириш, ариқлар ва ҳовуз четларини тозалаш каби тадбирлар ўтказиш режаланган.

Шунингдек, ҳашар муносабати билан вазирлик, маҳкама ва

бошқа ташкилотлар ходимларининг бир кунлик иш ҳақи ихтиёрий равишда “Маҳалла” жамғармаси ҳисоб рақамига ўтказилиши кўзда тутилган.

Бу маблағ кам таъминланган оилалар, ёлғиз қариялар ва ногиронларга моддий ёрдам кўрсатиш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, маҳаллалардаги спорт майдончаларини таъмирлаш ва жиҳозлаш каби ишларга сарфланиши айтилмоқда.

CA-NEWS



25-26 август кунлари Ўзбекистонда ободонлаштириш ва тозалик оyi доирасида умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилади.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан 14 август куни чиқарилган

## ТОШКЕНТ БОЗОРИДА ЎҚУВ МАШҒУЛОТИ ЭМАС, ҒАЛАЁН БЎЛГАН



Ўзбекистон ИИВ Тошкентнинг “Бек Барака” бозоридаги воқеа бўйича ҳақиқатни яшириб, савдогарлар ва милиция ўртасидаги тўқнашувни ҳарбий машғулот ўтганига чиқариб келмоқда.

Ўзбекистон ИИВ Матбуот хизмати, 16 август куни Тошкент вилоятининг Зангиота туманидаги “Бек Барака” буюм бозори ва унинг яқинидаги автоўл халқасида ҳарбий машғулот ўтказилганини билдириб хабар таркатди.

Унинг йўналиши шундай талқин қилинганди: «жамоатчилик ҳавфсизлигини таъминлаш ва фуқаролар оммавий гавжум объектларда тартиб бузилишининг олдини олиш».

Воқеа жойида бўлган гувоҳлар буни бошқача изохламоқда. Улар эрталаб, соат 9-10 атрофида бозорда никобли махсус қисм ҳарбий отрядлари пайдо бўлганини айтишади.

Улар касса аспаотисиз ишлаётганларни уриб, молларини мусодара қила бошлашди.

Бир таксист, омончилар савдогарларнинг қўлидаги молларини тортиб олганини айтади. Қўплаб савдогарлар коча бошлашган, бунинг устига уларнинг айримлари бозор ўраб олинган, баланд темир деворда ошиб ўтишган.

Шундан кейин, дейди у бозорда ғалаён бошланган. Халқ омончиларни тошбўрон қила бошлаган. Кимдир одатда бозор яқинида турадиган шаҳарлараро автобусни ёкиб юборган.

Ўт ўчириш машинаси келиб уни ўчирган. На тасдиқлаш, на инкор қилиш мумкин бўлган унинг сўзларига кўра, рейд пайтида бир аёл ўлдирилган, омончиларнинг бири унинг бўшига тўқмоқ билан солган. Таксист шунингдек, ҳужжатсиз ишлаётган, ёки омончиларга қаршилик кўрсатган айрим савдогарлар ҳибса олинганлигини билдиради.

ИИВнинг Интернетда чоп этилган, шунингдек ўзбек телевидениеси орқали ўқиб эшиттирилган машғулот ўтказилгани ҳақидаги хабаридан кейингина, тошкентлик таксистлар буни инкор этишга, юз берган ғалаённи хаспўшлашга уриниш дея баҳо беришга киришишди. Аслида эса, уларнинг сўзларига

кўра, у ерда “Ўзбек милицияси” ўзбошимчилигига қарши бир исён бўлган, буни ҳамма яхши билган. Бу ҳақда бошқа манбалар ҳам гувоҳлик беради.

Аввалига улар валютачиларга хужум қилиб, уларнинг россия рубли ва долларларини тортиб олишган, сўнгра бозорда савдо қилаётган савдогарларга ёпирилиб уларни калтаклай бошлашган. Уннинг ўзи шошилишча бозорни тарк этгани боис ўз ҳиқоясига бошқа тафсилотлар кўша олмаслигини айтади.

Халққа қарши рейдлар Махсус қисм никоблиларининг тўсатдан қурол билан жамоатчилик жойларида пайдо бўлиши, шартли душманга қарши кескин жанглар ва атрофда тасодифан бўлиб қолган одамларнинг кўрқитилиши, – бугунги Ўзбекистоннинг доимий аломатларига айланди.

Президент Ислон Каримов режими Тошкент ва мамлакатнинг бошқа ҳудудларида террористик чиқишлари, норозилик акциялари ва “гуруҳ бўлиб тартиббузарликлар”ни бостиришга фаол тайёргарлик кўрмоқда, бундай машғулотларнинг шартларидан бири, уларнинг реал шаҳар шароитларига яқинлаштирилганидир. Яъни, аҳоли навбатдаги “тўқнашувлар” ҳақида мутлақо огоҳланттирилмайди: пойтахтнинг бирор ҳудудидаги отишмалар тўсатдан бошланиб, шу зайлда якун топади.

Май ойида бу каби машғулотлар Тошкентнинг Яққасарой тумани, аэропорт яқинидан ўтувчи кичкина темир йўл станциясида ўтган эди. Афтидан, у ерда товар поездларида келтириладиган маҳкумларнинг исёнини бостириш амалиёти қўлланилганди.

У ерга етиб келган БТР вагонларга қарата ўт очиб бунга “нукта” кўяди, кейин эса у ердан бир канча “мурдаларни” олиб чиқишади.

Уч ой илгари, феврал ойида, ўқув хужуми, Тошкентнинг Ҳамза тумани, Лисунова мавзёида ўтказилди. Сценарияга кўра, террористлар болалар боғчасининг бўш биносига жойлашишади, тўсатдан пайдо бўлган махсус қисм жангчилари эса уларга қарши хужумга ўтишади, гранаталар улоқтириб, автоматлардан (кейинчалик маълум бўлишича пахтаволи) ўқлар ёғдиришади. “Махсус амалиётлар” тугагач, тўсатдан бўлган жанглардан ваҳимага тушиб қолган кўпқаватли уйларида яшовчиларни ҳайратда қолдириб воқеа жойини тарк этишади.

“Араб баҳорига қарши”ми? Тошкентда бу каби машғулотларнинг кўпайгани – шунчаки президент

Ислон Каримовнинг вос-вос касали кескинлашганини англамайди. Ўзбек ҳукумати, Тунисда, Мисрда, Яманда, Ливияда бўлаётган воқеаларни диққат билан кузатиб келмоқда ва бундан ўзи учун ҳулосалар чиқармоқда.

Бу ҳулосалар ислохотлар ўтказиш, иктисодни эркинлаштириш, иш ўринлари яратиш ва Конституцияга амал қилинишини таъминлашга эмас, ҳар қандай ҳукуматга қарши ҳаракатларни илдизини қуритишга қаратилгандир.

«Бек Барака» буюм бозори нисбатан янги бозор бўлиб, бир неча йил илгари “Отчопар” худуди яқинида, йирик “Абу Сахий” буюм бозорининг рўпарасидаги йўлнинг нариги томонид қурилган эди.

«Бек Барака» ҳам «Абу Сахий» ҳам, гап сўзларга кўра, президентнинг кенжа қили Лола Каримова ва унинг эри Темур Тиллаевга тегишлидир.

Uznews.net

## ОХРИД КЎЛИ САЙРИДА ЎЙЛАГАНЛАРИМ



*Мен на ибтидоман ва на интиҳо,  
Келурман, кетурман, қилурман нидо.  
Бегона эмасман, бундан далолат-  
Кўксимдан уҳ каби отилган садо...*

*Дунё – оғриқ вужуд. Дунё – хастажон,  
Не эзгу хаёллар бағрида сарсон.  
Сен эса умидли нигоҳсан бу он...  
Борлигинг тебратар қутлуғ муддао.*

*Мавжларинг сеҳрли. Илоҳий ғазал.  
Ким ўқир, ким ўйноқ ишвангага  
маҳтал...  
Гар ёниб ҳасратлар қиларман ҳаргал-  
Сенга ҳечбир дардим кўрмасман раво.*

*Кўксингни чайқатиб замонлар ўтар,  
Гоҳ ундай, гоҳ бундай карвонлар ўтар.  
Не – не орзулар ҳам армонлар ўтар...  
Нетарсан, ҳаёт – бу шундайин савдо.*

*Кечир, мен бемаҳал дардимни очдим,  
Тўлғондинг. Тўлғондим. Сўзларим  
сочдим.  
Эё қалбим мавжидан огоҳ тилмочим-  
Сени балолардан асрасин худо.*

Ёдгор Обид

Туркия полицияси Истанбул шаҳрида камида тўрт ўзбекистонликни ҳибсга олган ва депортация қилиш учун махсус ҳибсхонада ушлаб турибди. Бу ҳақида Туркияда чоп қилинувчи газеталар ва қатор интернет нашрларида хабар тарқатилган. Улар орасида бўлган Ботир Қодиров ҳибсхонадан куни кеча озод қилинган. 13 йилдан бери Туркияда яшаб келадиган Қодиров 2006 йилда БМТнинг қочқин мақомини ҳам олган.



## ТУРКИЯ ЎЗБЕК ҚОЧҚИНЛАРИНИ ДЕПОРТАЦИЯ ҚИЛИШНИ РЕЖАЛАМОҚДА

Унинг химоячилари Қодировнинг расмий қочқинлик мақоми бўлганини даъво қилишлари ортидан, унинг озод қилинишига эришганлар. Ҳибсга олинганлар орасида исми ҳозирча фақат Шоқир дея танилган магистратура талабаси ҳам бор. Туркияда норасман бошпана топган ўзбекистонликлар орасида диний айбловлар, хусусан Нурчилар оқимида аъзоликда айбланган собиқ турк лицейлари талабалари кўп. Бирок шу вақтгача уларни расмий Анкара Тошкентга топширмай келди. Ўзбекистонда Нурчиларга аъзоликда айбланиб, ҳозирда Туркияда яшаётган бир қочқиннинг Би-би-сига билдиришича, ҳозирда Туркияда яшириниб юрган ва хавфзлик излаб келган ўзбекистонликлар орасида чуқур ҳавотир уйғонган.

“Бу ерда қочқин бўлиб юрган, Ўзбекистондан келган оилаларнинг ҳаммаси ҳавотирга тушиб қолган, кўркувга тушиб қолишган. Нима бўлади энди, деб. Ишонгани Туркия. Туркияга ишониб келишган, энди у ҳам Россия ё Қозоғистонга ўхшаб бизни топшиворса нима бўлади, деб ҳавотирга тушиб қолишди”, – дейди ўз исми ошкор этилмаслигини сўраган қочқин. Унинг айтишича, ҳибсга олинганлардан бири унга Ўзбекистондан махсус рўйхат келиб тушганини ва бу рўйхатда Ўзбекистондан қочиб юрган шахслар исмлари битилганини билдирган. У шу давргача Туркия полицияси ва миграция хизматлари бу каби оммавий равишдаги ҳибсга олиш ё депортация ҳаракатларини амалга оширмаганлар.

Сухбатдошнинг билдиришича, Туркиядаги қочқинлар орасида бу Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги ўзаро совуқ алоқаларни илтиш йўлида қилинаётган амал бўлиши мумкин деган фаразлар тарқаган.

“Яқинда ўтган бир ифторликда бу ердаги Ўзбекистон элчиси Улфат Қодиров Президент Каримов Туркияга йўллаган мактубини ўқиб эшиттирди. Унда Туркия ҳукуматида мақтов ва табриklar янгради.

Бу кўп йиллардан бери бўлмаган нарса. Биз учун бу бир сенсациядек бўлди”, – дейди қочқин.

Унинг маълум қилишича, ҳодисанинг қизиқ жойи шуки, ҳибсга олинганларнинг ҳеч бири Нурчиликка аъзоликда айбланган шахслар эмас. Ҳибсга олинганларни шахсан танийдиган суҳбатдош уларнинг аксари бошқа диний оқимларга алоқадорликда шубҳаланиши, бироқ талаба Шоқир ўтмишда ҳеч қандай диний оқимларга аъзоликда кўрилганини айтади. Туркияда қатор инсон ҳақлари ташкилотлари ҳозирда ўзбекистонлик қочқинларни озод қилиниши йўлида тарғибот ишларини бошлашган ва Туркия давлат вазирларига мурожаатлар билан чиққанлар.

ББС

## ШАҲРИСАБЗДА АҲОЛИНИНГ ЕР УЧАСТКАЛАРИ ТОРТИБ ОЛИНМОҚДА

Қашқадарё вилояти прокуратураси, Солиқ бошқармаси ҳамда вилоят ҳокимлиги вакилларида иборат комиссия Шаҳрисабз тумани аҳолисига тарқатилган ер участкаларини давлат балансига қайтариш устида иш олиб бормоқда. Расмийлар иддаосича, туманнинг собиқ ҳокими, марҳум Уктам Хидиров раҳбарлигида давлатга тегишли ер ҳудудлари ғайриқонуний равишда аҳолига томорқа ва ер участкалари сифатида тақсимлаб берилган. Туман ҳокимлиги капитал қурилиш ва реконструкция бошқармаси ҳамда давлат кадастр хизмати томонидан хатланган участкаларда аҳоли уй-жой ва иморатлар барпо қилган. Улар қишлоқ хўжалиги ва поллиз экинлари экиб, ердан фойдаланиб келишган. Энди эса аҳоли ва маҳаллий ҳокимият ўртасида зиддият юзга келди. - Вилоятнинг янги қонхўр ҳокими

Туроб Жўраев амалга ошираётган бу босқинчилик халқни жунбушга келтирди. Айниқса, бизнинг қишлоқ аҳолиси орасида ваҳима катта. “Кимки иморатимни бузса, еримни тортиб олса, ўзимни ўлдираман”, деганлар кўп. Лекин ҳокимият шунга қарамай, кўкариб турган экинларга трактор солмоқда. Иморатларни мажбурий тартибда бузиб ташлашга кўрсатма берган. Хуллас, вазият жиддий, – дейди тумандаги Дўнқишлоқда яшовчи Қосим ака. Шаҳрисабз туманидаги Бобур, Кеш, Гулистон сингари бир қатор жамоа хўжаликларида олиб борилаётган кенг кўламли тафтишлар аҳолининг муайян пора ва рағбатлатиришлар эвазига давлатга тегишли ер майдонларидан ер участкалари олинганини кўрсатмоқда. Туман ҳокимлигининг бир неча ходимида порахўрлик ва мансаб ваколатидан четга чиқиш



айби билан суриштирувлар олиб борилмоқда. Шаҳрисабз тумани прокуратурасининг исмини очиқламаслиқни сўраган ходимида кўра, аҳолининг қаршилигига қарамай, талон-тарож қилинган ерлар давлат захирасига қайтарилди. Қолаверса, кишиларнинг стихияли норозилиги ҳеч бир ҳуқуқий мезонларга асосланмаган. Шу босқиндан ҳам хавфсизликни таъминлаш, аҳоли норозилиги ортидан келиб чиқадиган можароларни бостириш юзасидан туман ички ишлар бошқармаси томонидан чоралар кўрилмоқда.

Озодлик



Михаил Горбачевнинг пешонасида холга ўхшаш бир нарса борлигини ҳамма билади. Албатта, унинг сиёсий омади ёки омадсизлигини биз унинг пешонасидаги холига боғлай олмаймиз. Чунки этикодимиш бизга бахт ёки бахтсизликни эмас, қадарнинг жилваларига ишонишни ва тарихий воқеаликларнинг заминини ташкил қиладиган бу жилваларни ўрганишни такоза қилади... Михаил Горбачев



омонсиз шаклда катта тезликда олдинга қараб айланмоқда эди... Михаил Горбачев янги инсон, янги сиёсатчи бўлиш имконини шу шаклда бой берганди. Аммо у ўз даврининг эски инсонлари (коммунистлар) ва сиёсатчилари орасида энг муҳтарами эди. Чунки ундан олдингилар ҳеч шубҳасиз золимлар эдилар. Горбачев уларга нисбатан мазлум эди, яъни у “қайта қуриш” воқеалигининг мазлуми эди.

омадлими ёки омадсиз сиёсатчими, деган саволга жавоб излашдан олдин шуни айтмоқчиман: унинг

## ПЕШОНАСИДА ХОЛИ БОР ОДАМ...

қайта қуриш ва ошкоралик сиёсати жуда кўп халқларга, шу жумладан ўзбек халқига ҳам катта қувонч, яъни мустақилликни келтирди. Совет Иттифоқи деган империянинг Ленин ва Сталиндан кейинги энг муҳим раҳбари ҳеч шубҳасиз Михаил Горбачев эди. Ленин Совет Иттифоқининг идеологик тамалини отганди ва қонли кўзғолон йўли билан социалистик жамият бошланишини йўлга қўйганди. Сталин бу иттифоқ ҳудудидаги инсонларни қирғин қилиб бўлса ҳам коммунистик режимни қуришга интилди. СССРнинг биринчи ва охириги Президенти Михаил Горбачев эса бу қизил империяни қайта қуришни. Аслида унинг бутун омадсизлиги ҳам шунда эди: бу қизил империяни қайта қуриш ва айниқса ошкоралик асосида қайта қуриш имконсиз эди. Михаил Горбачев ўз замонида бунга тушуниб етмади. У бошлаган машҳур “Қайта қуриш ва ошкоралик” сиёсатидан кейин ўтган ўттиз йилга яқин муддатда ҳам унинг бу ҳақиқатни тушуниб етганига ишончим қомил эмас. Чунки мен бирор марта ҳам Горбачевнинг оғзидан қайта қуриш ошкораликка, ошкоралик эса қайта қуришга мос эмас эди, деган ҳақиқатни эшитмадим... 1985 йилда собиқ СССР ҳудудида икки тарихий воқеа рўй берганди: улардан биринчиси, Чернобилда электр энегияси ишлаб чиқарадиган ядровий марказдаги портлаш, иккинчиси эса КПСС Бош Котиблигига Михаил Горбачевнинг сайланиши эди... Горбачев СССРнинг раҳбари сифатидаги ўз фаолиятини мана шундай фожеали ҳодиса билан бошлашга мажбур бўлганди. Аммо асосий “фожеа” олдинда, яъни у ошкорлик асосида қайта қурамагн, деган қизил империянинг 1991 йилда тугатилиши эди. Михаил Горбачев СССРга раҳбар бўлгандан кейин жуда кўп нутқ сўзлади. Булар асосан КПСС Марказий Комитетининг пленуми ва съездларидаги нутқлар эди. Бу нутқларнинг деярли барчаси “Қайта қуриш ва ошкоралик” мавзусига бағишланар, аммо қайта қуриш нима ўзи, деган саволга на мамлакатнинг бош ноғи, на унинг ёрдамчилари нада бу нутқларни ўқиганлар жавоб бера олмас эдилар. “Қайта қуриш” дохий Лениннинг Қизил Майдондаги жонсиз вужуди ва қизил империядаги мингларча ҳайкаллари каби ҳаракатсизликка маҳкум ҳолда қутар экан, Михаил Горбачев сиёсатининг иккинчи қисми

бўлган “Ошкоралик” шамол тезлигида ўз натижаларини кўрсата бошлаганди. Масалан, советларга муҳолиф рус ёзувчиси Солженициннинг “Архепелаг Гулаг” асари сиёсий нуқта назардан СССР учун иккинчи “Чернобил” эди. Бу китобни ўқиганлар СССРнинг дахшатли қамқоҳона эканлигига иқроп бўлган эдилар. Ошкоралик ҳақиқатининг мана шундай катта “портлашларини” ўртага чиқарганди. Ва бу портлаш садолари тез вақтда СССРни ташкил қилган Социалистик Республикаларда ўз таъсир кучини кўрсата бошлади. Биринчи бўлиб, Болтиқ Бўйи халқлари ҳаракатга бошладилар. Уларнинг талаби “Архепелаг Гулаг” ҳолига келган жамият ва давлатни қисқа муддатда тарқ қилишдан иборат эди. Михаил Горбачев бу мудҳиш воқеаларни бошқаришдан ожиз эди. Унинг фожеаси ўзи олиб бораётган сиёсатнинг мохиятини тушуна олмаслигида эди. У тинмасдан қайта қуриш ҳақида гапирар, бунинг ошкораликка асосланишини таъкидларди. Яъни, у кемани қутқаришни кеманинг тагини ўйишда, деб ҳисобларди. Натижада кемада нима бўлаётганига ҳеч кимнинг ақли етмас, СССР ва Варшава Шартномаси деган ҳудудларда “ит эгасини танимай қолган” вазият ўртага чиққанди... Бу маънода Горбачев ўз замонасининг, тўғрироғи ўз чириган тузумининг одами эди. Чингиз Айтматов таъбири билан айтганда у “бош манқурт” эди. Бу манқурт олдинга юришга ҳам, орқага кетишга ҳам қарор бера олмайдиган, ўртада, яъни аросатда қолган, нима қилишини билмайдиган бир сиёсатчи эди. У орқа кетишни истамасди, чунки “Тулаг” унинг ўзини ҳам йўқ қилиб юбориши мумкин эди. Олдинга ҳам кета олмасди, чунки олдинга кетиш, кейинчалик ҳаёт ҳақиқати кўрсатгани каби уни бир четга улоқтириб ташлаши мумкин эди. Михаил Горбачевнинг аҳволини тобора оғирлаштирган омил ошкоралик сиёсатининг мудҳиш ларзаси, яъни унинг ўз муаллифига берган жон олувчи зарбаси эди. Горбачев бу ларза ва зарбадан қутулиб қолиш учун чора тадбирлар олишга уринди. У бу мақсадда СССРни сақлаб қолиш учун референдум ўтказди ва ҳатто Болтиқ Бўйида ва Озарбойжонда йиғилган ўн минглаб митингчилар устига танкларни юборишди. Аммо қайта қуриш ўлими ва ошкорлик ҳаёти ўз ишини қилган, “жин шишадан чиққан”, тарих ғилдираги СССР ва Горбачев учун

Унинг мазлумлиги СССР тугатилгандан кейин унинг ўрнини эгаллаган Борис Елцин шахсияти

билан таққослаганда янада ошқора кўринади. Горбачев рус халқининг азалий гуноҳи бўлган арокхўрликдан нафрат қиларди. У бу нафратини арокхўрликни таъқиқлаш ва бу йўлда ақл бовар қилмайдиган иш, яъни мамлакатдаги узумзорларни йўқ қилиш сиёсати билан кўрсатганди. Унинг ўрнига келган Борис Елцин арокхўр эди. Гарчи Елцин СССР тарқалиб кетган ўша кунларда демократия ва мустақиллик қаҳрамони бўлиб кўринганди. У ҳатто Русия мустақиллигини эълон ҳам қилганди. Унинг бу қарорини рус зиёлиларидан бири “ғариб” иш, дея баҳолаганди. Чунки СССРдан қутулган бошқа ўн тўрт жумҳуриянинг мустақиллиги интилиши ҳаммага тушунарли эди. Аммо Русия кимдан мустақил бўлганига ҳеч кимнинг ақли етмасди... Орадан кўп вақт ўтмасдан Елцин ва Русиянинг мустақиллик ўйини амалда ўзини кўрсата бошлади. Чунки СССРнинг катта “Тулаг”, Русиянинг эса кичкина “Тулаг” эканлиги маълум бўлиб қолганди. Бунга биладиган демократ Елцин “ҳар ким ўзи истаганича мустақиллик олсин”, дея алжираган ҳам эди. Аммо у бундай демократликдан тезда тавба қилди ва қисқа муддатда оддий рус шовинистига айланди. Горбачев уни четга улоқтирган қайта қуриш ва ошқоралик сиёсатидан асло воз кечмаганди. Демократия ва ошқораликнинг ўзи учун айна натижани беришини тушуниб етган Елцин, бу кадриятлар ўрнига рус шовинистлигини танлади. Бу сиёсат биринчи Чеченистон урушида ўзини кўрсатди. Бу омонсиз урушда ўн мингларча бегуноҳ инсонлар қатл қилинди. Аммо бу Елцинни у танлаган йўлдан тўхта олмади. Чунки у коммунистликни қанчалик шитоб билан тарқ этган бўлса, демократликни ва эркинлик сиёсатини ҳам шу тарзда тарқ қилганди. Елцин ўз ўрнига Владимир Путинни ворис қилиб тайинлаш билан ўзининг кимлигига нуқта қўйиб кетди... Бугун мустақиллик арафасида Михаил Горбачевнинг қайта қуриш ва ошқоралик сиёсатини хотирлар эканмиз, бу сиёсатдан чиқариладиган асосий хулоса шундан иборат бўлса керак: Ошқоралик, яъни эркинлик ва адолат билан эски тоталитар тузумларни қайта қуриб бўлмайди. Чунки бу кадриятлар янги тузумга ва унинг ижодқори ҳисобланадиган янги инсонларга ярашадиган кадриятлардир.

## ЎЗБЕК ХОНАНДАСИ ОЗОДБЕК НАЗАРБЕКОВГА “ЗОНА”ДОШИДАН МАКТУБ



Ассалому аллайкум, Озодбек!!! Аввалом бор, Сизни ва оила аъзоларингизни, муборак Рамазон ҳайити байрами билан ҳамда шу муносабат ила барча ўзбекистонликларга Оллоҳдан бахт-саодат, узоқ-умр тилайман!

... Яқинда Россиянинг Приморский ўлкасининг кўчаларида юргандим, бир андижонлик йигит, Сизнинг Россияда ишланган клипларингизни сотиб олиш учун, кўлимга тутқизишди. Мен Сизнинг клипларингиз устида ишланган расмингизни кўриб, “Шу инсон Озодбек Назарбеков-ми?! Ёки Клипдаги расмингизга разм соларканман, ўша Қашқадарё вилоятига қарашли, “Косон” турмасида ўтирганимизда Сиз жуда ҳам, ориқ ва нимчадан келган озғинч йигит эдингиз. У вақтлар анча эътиқодли имонли йигит бўлган эдингиз. Сизни кўрмаганлигимга ҳам, анча йиллар бўлди...

Энди эса, клип диск устида ишланган, “расмингиз” эътиқоддан анча узоқлашганлигингизни кўрсатиб турибди. Мен уйга қайтиб келганимча йўлда, Сиз билан бирга “камера”да ўтирган кунларим, кўз олдимда бирма-бир гавдалана бошлади. Ўша “карцер”да ўтирганимизда, Сиз мени ҳамма вақт, намоз ўқишга даъват қилардингиз... Мен эса, намоз ўқишдан бош тортардим. Ўша вақтда, Сиз Ўзбекистон ЖКнинг 159 моддаси 3 қисми бандига кўра, “Ҳизбут-Тахрир”, партиясига аъзоликка айбланиб, қамоққа ташланган эдингиз. Мен эса, шу модданинг 167 моддаси 1 ва 3 бандлари билан айиблангандим. Сизга қўйилган “статья” менга нисбатан жуда оғирроқ эди. Ўша томонларини ўйлаб, намоз ўқимасдим...

Эсингизда бўлса керак. Намоз ўқиганларни жуда қаттиқ қийнашарди. Хатто-ки, инсоннинг “юмшоқ” жойига дубинкаларни текишиб, қонамагунча “ҳисоб”га олишмасди. Ёки бўлмаса, нонга “очеред”га қўйишиб, “навбатни буздинг!” деб “карцер”га судраб олиб боришиб, ҳалқумлари оғзиларига келгунича, роса савалашардилар. Ана ундан кейин эса, “ўзига келсин!” деб совуқ сувни бошидан қуйишарди.

Ўша кунлар ҳамон хотирангизда бўлса керак ахир? Ёки унутингизми ўша кунларни? Сизнинг клипларингизни томоша қилишга давом этар эканман, Россияда ишланган клипдаги “Агрофингга...” деб бошланувчи кўшигингиз менга жуда ҳам маъқул тушди.

Ҳурматли, Озодбек!!! Сизнинг “агрофингиз”да ўралашиб юрган, “дода”га ишониб, “минбар”га чиққан бўлсангиз жуда ҳам, қатта хатоларга йўл қўйибсиз! Чунки, “ота”миз Каримов, Сиз ва бошқа ўзбек халқининг бошига не кунларни солмади. Россиянинг ҳар бир шаҳар ва кўчаларида тенгираб юрган, Ўзбекистон фуқаролари айниқса, андижонликларни ҳар қадамда учратсангиз улар билан чин дилдан суҳбатлашсангиз, ҳақиқий хаёт мана бу ерда экан – деб “дод” солиб юборасиз. Қаерга борсангиз, барча оғир ишлар андижонликлар бўйнига. Гўёки, ўша Андижон воқеаларини булар содир этган-у қолганлар эса, ўша машғум воқеанинг “гувоҳ”лари. Бир андижонликлар эмас, барча ўзбекистонликлар авахта-ларга ташланган мазлум инсонларга ўхшайди...

Мен қачон Ўзбекистонга борсам, доим бир нарсага гувоҳи бўламан. Ўзбек йигит-қизлари, Қозоғистон ва Қирғизстон чегараларидан ўтаётган вақтларида, “Ҳеч кимга бермаймиз сени Ўзбекистон!” кўшигини айтиришиб, “издеветса” қилишади. Бу кўшиқнинг муаллифи ҳам, Сизнинг ҳамюртингиз, Юлдуз Усмонова! Хатто-ки, шу кўшиқни менга ҳам айттиришганди. Ўшанда Юлдуз опани роса “мақтаган” эдим. Юлдуз Усмонова агар эдингизда бўлса, ўша кўшигини, “Ўзбекистон мустақиллигининг 7-йиллиги муносабати билан” Ислам Каримов олдига чиқиб, қуйлаган эди. Ўшанда Ўзбекистон телевидениеси орқали, трансляция қилиниб, бутун ер юзига “Жар” солдириб, 1999 йил “воқеа”ларини ёритган эди. Охири нима бўлди? Ҳаммаси ёлгон уйдирма ва бўҳтон эканлиги исботланди... Кечагина, “ҳеч кимга бермаймиз сени Ўзбекистон” деб қуйлаб юрган опангиз, бугунги кунга келиб, Туркияда яшамокда ва ўша жойда қуйламоқда. Ўша опангиз ҳам, “ватанпарварликка” ҳаммани ундаган эди. Қани бу ерда “логика”?

Бу ҳам майлига. Яна бир ҳамюртингиз, Шерали Жўраев, 2005 йил Андижон воқеаларидан сўнг, И.Каримов олдига чақириб олиб, “Агар Андижондан қочиб кетган қочқинларни изига қайтариб келсанг, сени олдинги мавқеингни қайтариб бераман...” деб ваъда қилган эди.

Ўша қуруқ ваъдаларга учган, Шерали Жўраев, Қирғизстоннинг “Ўш” вилоятига бориб концерт берган эди. Охири нима бўлди ўша Шер акани?! Оломон, ҳалойиқ тошбўрон қилишди...

Сиз ҳалиям, буларни билсангизда ҳамон Каримовга хизмат қилиб келмоқдасиз! Мен Сизга шуни қатъятлик билан айтаман-ки, Каримов бошчилигида тузилган ҳукумат яқин ўртада қулайди. Иншоллоҳ! Каримов бошқараётган давлат эса, худди-ки, чўкаётган одам ҳасга ёпишганидек, нажот изламоқда. Каримов ушлаган “ҳас” эса, “уже” саробга айланиб улгурган...

Ушандан сўнгра, афсусланасиз.

Сизнинг афсус ва надоматингиз жуда кеч бўлади! Кейин халқнинг олдига қайси юзингиз ва клипларингиз билан чиқиш қиласиз? Ҳали ҳам кеч эмас...

Мен Сизга шуни алоҳида таъкидламоқчиман-ки, Каримов кўпинча ёшларга ишонмоқда!

Мен Ўзбекистон ташқарисидан яшаётган ёшларни айтмоқдаман. Улар Каримовнинг найрангларини кўравериб, ёлгон остида қурилган жамият эрта ёки индин қулашини яхши билишади.

Сиз эса, ўша ёлғонга бурканиб олган, “чиroyли” сўзларни шоирона шеърйи жумлаларни тузиб берган, “шоир”ларга ишониб, қуй басталайсиз...

“Ўзбек халқининг бутун дард ва алами” тўла клипларингиз билан Россия ва бошқа юртларни дискингиз орқали “забт” этмоқчисиз. Сизнинг бу ҳаракатларингиз ҳаммаси пуч...

Ҳурматли, “Зона”дошим, Озодбек!!! Сизга номам сўнггида шу нарсани айтмоқчиман ва Сизни ҳам, шу йўлга мол-мулқингиз ва бойликларингиз билан даъват қилмоқчиман!

Мен яқинда Ўзбекистон ташқарисидан, фольат олиб бораётган, “Ўзбекистон Халқ Ҳаракатининг” лидери Мухаммад Солиҳ жанобларининг интернетдаги [www.uzxalqharakati.com](http://www.uzxalqharakati.com) саҳидаги мурожаатлари билан танишиб чиқдим.

У кишининг айниқса, “Йўлнома”, “Вал-Фажр” ва бошқа китобларини ўқиб чиқдим. Китобни ўқиган ҳар бир инсон худди-ки, сувга қанчалик ташна бўлганидек, яна-яна ва яна ўқингиз келаверади.

Мен китобларни ўқиб чиққанымдан сўнг, шунга амин бўлдим-ки, ҳар бир инсон революционер бўлиб чиқиши ҳеч гап эмас экан...

Мен Сиз ва барча ўзбекистон халқини Россияда муҳожирликда юрган бир бурда нон учун, “қураш”иб юрган ватандошларимни “ЎХХ”ига киришига даъват этаман. Шу билан бирга Сизни ҳам шу ҳаракатда бўлишингизни Аллоҳдан сўраб қоламан!

**Ҳурмат ва эҳтиром ила  
“Зона”дошингиз  
Бахтиёр Усмонов!**

## ОИЛАМНИ БУЗАЁТГАН ОЛМАЛИҚ МИЛИЦИЯСИМИ ЁКИ ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЛАРИМИ, ТУШУНОЛМАЯПМАН

Мен, Абдужамил Байишов ва Мавжуда Шерматова 2000-йилда оила қурганмиз.

Ўтган даврда бир қиз ва бир ўғил фарзанд кўрдик. Тинч-тотув яшаб келдик. Оиламиз мустақамланиб борди.

Лекин, айнан Мустақам оила йили деб аталмиш 2012 йилга келиб оиламиз бошига кулфат тушди: 16-июл куни Олмалиқ милицияси фарзандларимнинг онасини қамоққа олди. Ҳозиргача у қамоқда сақланмоқда.

Негаки, у, 1973 йилда туғилган Мавжуда Шерматова, Ўзбекистон фуқаролигида йўқ.

Паспорт бўлими фуқаролиги йўқ шахсни фақат 6 ой муддатга прописка қилар экан. Бу муддат ўтиши билан яна прописка, ундан кейин яна, яна ва яна.



Фуқаролик қачон берилади, бу масъулият кимнинг зиммасида, ким ҳал қилади, фуқаролиги йўқ шахснинг ҳужжати қачон паспортга алмаштирилади, кеби саволларга жавоб тополмай, саргардон бўлиб юрганлар қанчадан-қанча. Фалонкас фуқароликни олибди

деган гапни эшитмаганман. Ахир фарзандларимнинг онасига фуқароликни берадиганлар ким-у, фуқаролигинг йўқ деб уни қамаб қўйганлар ким?

Абдужамил Байишов,  
Олмалиқ, А.Қодирий кўчаси, 126

Бойсун туман прокурори Шухратжон Мавлонов Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167 моддаси “а” ва “г” қисми билан фуқаролар, Бойсун тумани “Халқ таълими”га қарашли, 47-сонли мактабнинг директори Шавкат Жумаев, Термиз шаҳри “МЧЖ” ташкилотининг бошлиғи Ўктамжон

Аммо... Лекин... Тумандаги 47-сонли мактабнинг ўқувчилари бу ҳолатни кўриб, “дод” деб юборишди. Аниқланишича, туман прокурори Шухратжон Мавлонов ҳар бир мансабдор шахсдан пора олган экан. Буни эшитган бир гуруҳ 47-сонли мактаб ўқувчилари шикоят аризалар билан Сурхон-

ҳар бир ўқувчи ва ўқувчига таниш. Хатто-ки, “ўқувчиларимиз ёддидан кўтарилиб кетмасин...” деб, ўша мурожаатномани ҳар бир дарс бошланишидан олдин эслатиб ўтамиз. Ўқувчилар буни эшитиб, “Домла, дарсни бошланг! Совуқдан этимиз увушиб кетмоқда...” дейдилар. Собик Иттифоқ даврида

## БИЗНИНГ ПРОКУРОР ПОРА ОЛИШДАН НЕГА “ИЙМАНАДИ”?

Мирзаев ва шу туманга қарашли “Дурадгор” кичик корхонасининг бошлиғи Равшанбек Мамаровларга нисбатан жиноий “иш” кўзга тилиб, “Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Вазирлар Маҳкамасининг 2000-2009 йиллар давомида мактаб ва мактабгача таълим соҳаларини қайта қуруш ва реконструкция қилиш” қарорлари ҳамда фармойишлари асосида Бойсун тумани 47-сонли мактабни “ремонт” қилиш шу туманнинг “Дурадгор” кичик корхонасининг маблағлари эвазига ва давлат бюджетидан ажратилган 500 миллион сўмнинг 5 миллион 500 минг сўм миқдоридан маблағларини ўзлаштирганликлари учун, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 205-208 моддалари ҳамда 167-моддаси билан айбдор” деб топилиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 19 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида”ги қарорига кўра озод қилинган эдилар.

дарё вилоятининг прокурори Абдурахмон Барноевга мурожаат қилдилар. Натижа эса, хамин қадар. Вилоят прокурори Абдурахмон Барноев, аризалардаги вазларни кўриб чиқмай, тўғридан-тўғри туман прокурори Шухратжон Мавлоновга юбориш билан банд.

Туман прокурори Шухратжон Мавлонов эса, шикоят аризалардаги вазларни “ўрганиб” чиқиб, янги “дело” очадидан, “Сизларнинг устингиздан шикоятлар тушган, тезда “иш”ни ёпмасак бўлмайди?” деб, ҳар бир ариза тушганида, дарҳол уч “пахловон”ни олдиға чақириб олади-да, пора талаб қилади... “Мактабимизда қиш кунлари мутлақо дарс ўтиб бўлмайди. Иситиш “система”си ишламайди. Мактаб ўқувчиларига: “МУРОЖААТНОМА” лар ёзиб, “уйларингиздан ўтин ва кўмир олиб келишларингизни сўраймиз” деб мактаб маъмуриятининг биносининг қиравериш қисмида олиб қўйганмиз. Бу “мурожаатнома”

қурилган мактабимизнинг хоналари катта. Ўқувчилар олиб келган кўмир, ўтин ва тезак хоналарни иситишига кучи етмайди.. Ҳар куни ҳар бир ўқувчиларимиз ўзлари билан бирга, сумкасининг ёнига кўмир ва ўтин олиб келишади. Бизлар эса, ўша “режа” бўйича иш тутуб, “Эшмат, эртага сенинг навбатчилигинг кўмир ва ўтин олиб келиш. Тошмат, сен эса, индинига сен...” деб ўқувчиларни фамилия ва исми билан “списка” тузиб чиқанмиз. Ҳар куни мана шунақанги аҳвол... Яқинда туман ҳокими Панжи Тангрев ва “Халқ таълими”нинг бошлиқлари келиб-кетишди. Улар бизга: “Ҳукуматга ишонманглар! Бу йил қишда уй-жойлар ва ташкилотларга газ берилмайди! Ҳамма ўтин-кўмирини тайёрлаб қўйсин!” дейишмоқда, дейди биз билан суҳбатлашган, 47-сонли мактабнинг собик директори, кекса отахон Собир ака Тошбоев”.

Мансуржон Фозилжонов

## ЎЗБЕКИСТОН ТАҒИН АҚШНИНГ СТРАТЕГИК ҲАМКОРИ



АҚШ Афғонистондан қўшинларини олиб чиқиш учун ҳамкорларини белгилаб олди - бунда Ўзбекистон асосий мамлакат бўлади, махсус ҳарбий марказ ҳам ўша ерда жойлашади. АҚШ давлат қотиби ёрдамчиси Роберт Блейк ва Ўзбекистон раҳбарияти ўртасида 15 август куни бўлиб ўтган сўнгги музокараларда гап шу ҳақда борди.

АҚШ билан ҳамкорликка рози бўлган Каримовнинг махмадоналиги, ишончли манбалар ахбороти га кўра, унинг оиласи ҳисобидаги пуллар масаласининг кўтарилишига сабаб бўлди. Америкаликлар, президентнинг тўнғич қизи Гулнора Каримова томонидан ғарбда жойлаштирилган капитал мушкуллик яратиши мумкинлигини билдиришди. Шунингдек, АҚШ Давлат департаментининг Ўзбекистонга инсон ҳуқуқлари бузилгани учун 2004 йили киритилган, мамлакатга ҳарбий ёрдамнинг тақиқловчи санкциянинг бекор қилиниши ҳақидаги хабар Каримовнинг димоғини чоғ қилди. Ҳаво ва ер орқали НАТО махсус контингентининг чиқарилиши йўлини, шунингдек Тожикистон ва Қирғизистон ҳам очиб беришади.

### Чекиниш йўли

Марказий осий республикаларидан 2014 йили НАТО қўшинлари асосий контингентини чиқаришда фойдала-

нилиши масаласи илк бор март ойида АҚШ мудофаа вазири Леон Пенетнинг Қирғизистон ва Тожикистонга ташрифи чорғи кўтарилган эди. Ушанда Қирғизистон мудофаа вазирига АҚШ томонидан қайтарилмаслик шарти билан ҳарбий техника таклиф этилганди. Кейинчалик айти мавзу Пентагон вакиллари билан Душанбе ва Тошкентда ҳам муҳокама этилди.

Ҳозир шимолий атлантика альянси ҳарбий қўшинлари Афғонистонда 7000 дон М-АТV русумидаги гилдиракли бронетранспортерлар, 8000 дон МРАР русумидаги миная қарши ҳимояланган бронемашиналар, 10000 две зиёд 10 000 НММWV Намвее ва бошқа қўшимча техникаларга эга.

Бундан ташқари, Пентагон Афғонистонга қўшни давлатларга тиббий ускуналар, алоқа воситалари, ўт ўчириш ва ҳатто ҳаракатланувчи тренажер залларини беришга тайёр. Қирғизистон мудофаа вазири ўшанда ҳатто ҳарбий транспорт ва алоқа воситаларини қабур қилиб олишга розилик билдирган эди. Ушанда қирғиз мудофаа вазирилигида, жанглардан олиб чиқилган куроллар, жумладан бошқа ускуна ва техникаларни ишлатиш жуда қимматга тушишини билдирган эди. Америка дипломатлари бу борадаги музокараларни Тошкент ва Душанбеда давом эттиришди.

### Ўзлари эплэй олмагач

Юқори мартабали Америка ҳарбийлари, 2014 йилдан кейин афғон-тожик ва афғон-ўзбек чеғараларида нобарқарорлик ўчоғлари вужудга келади дея ҳисоблашмоқда. Уларнинг фикрича, Тожикистон ва Ўзбекистон террористик таҳдидларни мустақил тарзда ўзлари бартараф қила олишмайди. Афғон жангариларига қарши ўзлари қаршилиқ кўрсата олишмайди, дея

ҳисоблайди америка ҳарбийлари ва КХШТ коллектив оператив кучлари. Марказий осийда барқарорликни таъминлаш учун, америкалик дипломатлар фикрича, НАТО кучлари жалб қилиниши мумкин.

Бунинг учун техникаларнинг катта қисми текинга, қолган қисми эса Ўзбекистон масъуллигида сақлаш учун берилади. Айти вақтда техникага ва минтақадаги барқарорликнинг таъминланишига хизмат кўрсатиш мақсадида махсус ҳарбий марказ яратилади. У Ўзбекистонда жойлашади. Келгусида, бу марказ Марказий осийдаги яна битта хорижий ҳарбий база бўлиши мумкин.

### Кетишади, базалар эса қолади

Америкаликлар қирғиз пойтахти Бишкекдаги ўзларининг «Манас» базасини ҳам сақлаб қолиш истагида эканлигини яширишмайди. Ўтган йили президент Алмазбек Атамбаев, «Манас» эропортидаги ҳарбий база 2014 йили ёпилади дея билдирган эди. Бироқ Қирғизистон ҳукумати, база қолади, фақат унинг номи ўзгаради, дея изохлашган эди. Афғонистондан қўшинларнинг ортга транзити асосан Тожикистон, Ўзбекистон ва Қирғизистон худуди бўйлаб амалга оширилади. Марказий Осийдаги америка дипломатларининг фаоллиги Афғонистондан қўшинларнинг олиб чиқиш муддати яқинлашиши билан ортмоқда.

Давлат қотиби Роберт Блейк ўзининг августдаги Тошкентга ташрифи пайтида, октябрда Қирғизистонда бўлиши, у ерда музокараларнинг иккинчи раунди ўтказилишини билдирди.

Қирғизистон раҳбарияти билан бу учрашувда ҳам НАТО ҳарбий контингентининг келажакда Марказий Осийда қолиши масаласи кўтарилади.

uznews.net

Олимпиада муждаси: Ўзбекистон шароитидаям чемпион чиқариш мумкин. Оксарой сирлари: Баъзан санокли кишиларнинг ўлими, сон-саноксиз кишига қувонч бағишлайди. Доданинг қизлари: Теримнинг қалини – жонимнинг роҳати. Сиёсий ворис: Қайси жарга етаклашнинг фарқи йўқ: жиллов қўлда қолса бўлди. ОАВ: Бировга лой чаплашда қўли гул уста. Мингга тўй: Ҳамма қўлингга қараб турганда, башара муҳим эмас. Сиёсий ворис: Ота хатокор бўлса – фарзанд балохўр бўлади.

## СИЁСИЙ АФОРИЗМЛАР

Мингга тўй: Ҳокимият дегани ёш боладай гап: на "Қўй" дегани билади, на "Тўйдим"ни. Халқ ва Ҳокимият: Халқ – денгиздир, энг устида – фақат кўпиклар.

Эркак киши аёлга муҳтож, ахир ҳамма айбни Каримовга тўнкаб бўлмайди-ку. Агар ҳар ким хизматига лойиқ берилганда, баъзиларнинг бошқа тарафи ярақларди. Маҳаллий сиёсат: Ҳар қандай ҳоким – вақтинча. Доданинг қизлари: Ҳеч бир ишни

ёлчитмаслик – энг ноёб талант. Давлат бюджети: Бир калла – бир калла, икки каллага ойлик йўқ.

Давлат хизматчиси: Масалани кўндаланг қўйма – қоқиласан! МХХ ходими: Энг фойдасиз қонундан ҳам жуда катта фойда чиқариш мумкин.

Ҳоким бўлгач, қаршисида порлоқ келажак эди. Ҳокимликдан бўшагач – қоп-қора ўтмиш. Урушни чоллар бошлади, ўлимга ёшлар кетади. Жамиятнинг қаймоғи – сузмага айланбиди.

kemalyoldash.livejournal.com

(Давоми: Боши олдинги сонларда)

Тахрир  
Муҳаммад Солиҳга нисбатан  
чиқарилган ҳукм, унинг мавқеини  
мустаҳкамлайди  
**Ўзини Ўзбекистон исломий  
ҳаракати деб атаётгани гуруҳ  
раҳбарлари Тоҳир Йулдош ва Жума  
Намангонийлар бу ва ўтган йилги  
жангариларнинг Ўзбекистон ва  
Қирғизистон ҳудудларига бости-  
риб киришларида маъсулиятини  
ошқора ўз устига олганликлари  
ва уларга нисбатан қатор ашёвий  
далилларнинг мавжудлигини на-  
зарда тутсақ маҳкама томонидан  
таклиф этилаётган ҳукмларни  
манتيқий дея баҳолаш мумкин, ле-  
кин бу ҳаракатларда ўз иштироки-  
ни рад этиб келган “Эрк” партияси  
раҳбари Муҳаммад Солиҳнинг бу  
жараёнда жавобгарликка тортили-  
шининг сабаби нима бўлиши мум-  
кин. Ҳамкасбим Луиза Исқандарий  
айни савол билан Марказий Осиё  
бўйича мутахассис, шарҳловчи,  
собик дипломат Пол Бернга муро-  
жаат қилди.**

- Ғарбда Ўзбекистонни кузатиб  
турганлар нима учун ўзбек расмийла-  
ри Муҳаммад Солиҳга йўналтирган  
ҳар қандай эҳтимолий айбловларга  
умуман қабул қилиб бўлмайдиган  
хол деб қарайдилар? Бунинг сабабини  
Муҳаммад Солиҳ президент Кари-  
мовга қонуний равишда рақиб бўлган

шахс эканида кўрадилар, нега?  
- Пол Берн: Жаноб Каримов сайловда  
ютганига қарамасдан, Муҳаммад  
Солиҳ томонидан салмоқли мухоли-  
фатнинг ташкил этилганини пре-  
зидент Каримов унутган. Ғарб  
кузатувчисининг президент Каримов  
Муҳаммад Солиҳ ва “Эрк” партия-  
сининг халққа таъсиридан ҳайиқар  
экан деган хулосага келиш осон. Ғарб  
наздида агарда раҳбар ўз мухолифига  
нисбатан ўта қатъий чоралар кўрса  
бу – ҳайиқиш белгиси. Агар Жаноб  
Каримов “Эрк”дан ҳайиқмаса, бу  
қадар ўч олишга сабаб нима, деган  
савол туғилади.  
- Ўзбекистон маҳкамаси чиқаражак  
ҳукм, унинг қандай бўлишидан  
каътий назар, сизнинг фикрингизча  
Муҳаммад Солиҳнинг сиёсий имид-  
жига таъсир кўрсатадими?  
- Пол Берн : Ўзбек маҳкамаси томо-  
нидан чиқарилган ҳукм Ғарбда эъти-  
борга лойиқ бўлади деб ўйламайман.  
Ўзбек адлия тизимининг Ғарбда  
обрўси ёмон. Ўзбекистонни озги-  
на билган шахс ёки ҳукуматнинг  
бу тизим чиқарган ҳукмга аҳамият  
бериши қийин. Марказий Осиё си-  
ёсатини билганлар учун Муҳаммад  
Солиҳга нисбатан чиқарилган, ўлим  
ҳукми ёки бошқаси, унинг мавқеини  
мустаҳкамлайди холос. Муҳаммад  
Солиҳ мутлақо айбсиз деб айтаётган-  
ним йўқ, мен унга нисбатан илгари  
сурилган айбловларнинг тафсилоти-  
ни билмайман.

Мен ўзбек адлия тизимининг  
қозонган ёмон обрўси ҳақида  
гапирмаяпман. Ўзбек маҳкамаси  
томонидан сиёсий мазмунда  
чиқарилган ҳар қандай ҳукмга  
шубҳа билан қаралади, ана шуни  
таъкидламоқчиман.  
Унга қарши ўзбек расмийларининг  
террорист дея қўйган айблари ва  
қидирув эълонлари Солиҳнинг  
бошқа давлатларга саёҳатига ёки  
яшашига халақит бермаганку? Шу  
вақтгача Ғарб давлатлари томони-  
дан Муҳаммад Солиҳнинг саёҳат  
қилиши борасида чиқарилган  
қарорларга ўзбек расмийларининг  
бирор қарорининг таъсирини айтиш  
мумкин эмас. Ўзбек ҳукумати ҳар  
қандай давлатга Муҳаммад Солиҳни  
чиқариб юбориш ёки бошқа бир  
талабнома юбориши мумкин. Агар  
бирор ҳукумат ўзбек томонининг  
талабини қондирмоқчи бўлса, бу  
ўзбек расмийларининг айбловлари  
исботлангани ёки уларнинг далилга  
эга эканлигини кўрсатмайди. Бу каби  
талабнинг қондирилиши замида  
сиёсий ва иқтисодий сабаб ётади.  
Лекин, масалан, Британия ҳукумати  
Муҳаммад Солиҳга нисбатан би-  
рон қарор қабул қилмоқчи бўлса,  
Ўзбекистон маҳкамаси чиқарган  
ҳукм бунда бирон рол ўйнайди, дея  
олмайман.

**ВВС**  
**2000 йил, 17 октябр**

## МИЛОШЕВИЧ – КАРИМОВ

Боши берк кўча  
Ўзбекистон ва бутун Қарфқаз, Ўрта  
Осиё мавзuida, фақат Туркия учун  
эмас, бутун Ғарб учун ғаройиб бир  
муҳаммадлик бор. Нефт манбалари ва  
газ қувурлари туфайли, бир тарафдан  
ҳам бу диктаторнинг дастакланиши  
ҳам, унга қарши террорла мухоли-  
фатлик қилаётган ва Афғонистондаги  
Толибон ва Саудия Арабистони  
тарафидан дастакланаётган “Иртия  
партиясига” қарши, Толибонни куч-  
латгирмасдан (чунки, нефт факто-  
ри бу режимнинг ҳам қўлланиши  
кераклигини кўрсатмоқда) тадбирлар  
олиниши кўзланмоқда. АҚШ бу  
партияни террор ҳаракати дея эълон  
этди. Ўрта Осиёда иртияго (радикал  
динчилик) ҳаракатларининг ёйилиши  
Туркияга ҳам тааллуқли ва уни ҳам  
безовта қилади.  
Туркияга (ва Туркликка қарши) доим  
совуқ ва масофали бўлган Каримов-  
ни ҳуш тутмоқ ҳам анчадан бери  
Ташқи Ишлар вазиригимизнинг  
“бир даражага қадар тушуниш мум-  
кин” қабилдаги визенсиз (узокни  
қўраолмаслик)сиёсатидир. Энди бу  
сиёсат натижага ўлароқ, “террорга  
қарши мужодала” ва Ўзбек махсус  
бўлинмаларини тайёрлаш учун мута-  
хассислар юборилар эмиш.

Муҳаммад Солиҳ ва ЭРК  
Аммо муаммо шунда; диктатор Кари-  
мовга қарши, Ўзбекистон тарафидан  
ноқонуний деб эълон этилган бўлса  
ҳам, террорист бўлмаган, 1990  
йилда кўрилган ва сохталаштирилган  
сайловларда энгилгандан сўнгра,  
ўлкада таъқиқланган, фақат 1992  
йилдан бери фаолиятларини юрт  
ташқарисида давом эттирган ЭРК  
партияси ва унинг лидери Муҳаммад  
Солиҳ бор. Сўнгги кунларда Исло-  
мий Кутулиш Партиясини террорист  
эълон этган АҚШ ҳукумати, ЭРК  
партиясини, қонуний усуллар-ла  
мужодала қилаётган мухолифат  
партия сифатида қабул этди. Бу ажи-  
рим, келажакда Ўзбекистонда ҳоким  
бўлиш эҳтимоли кучли бўлган  
ЭРКни “танимақ”, бир Америкалик  
журналистнинг сўзи билан айтган-  
да, “стратегик императив” ва “реал  
сиёсат”нинг натижасидир. Афсуски,  
биз Оврупо Бирлиги хаёллари билан  
бўлиб, Ўрта Осиёдаги жараёнлар  
билан керагича машғул бўлмаяпмиз,  
ўз миллий-стратегик императив-  
ларимизни белгилай олмаяпмиз,  
Муҳаммад Солиҳ ва ЭРК партияси  
ҳақидаги айна визон ва нозикликни  
кўрсатмаяпмиз. Аслида, Каримов ва  
Муҳаммад Солиҳ хусусида бизнинг  
давлатимиз сингари қаттиқ турган

бошқа бир давлат йўқ.  
Боқинг, Турк миллиятчиси Муҳаммад  
Солиҳни, Каримовни мамнун этмак  
учун, 1992 йилдан бери уч қарра  
юртдан чиқариб юбордик ва узокда  
тутишга ҳаракат қилдик...  
Уни ҳали ҳам узокда тутишга ҳаракат  
қилиб ётибмиз. У ҳали ҳам Туркияга  
кела олмаяпти. РЕАЛ ПОЛИТИ-  
КА, ўлкаларни мутаносиб бўлишга  
мажбур қилади. “Писмик” полити-  
ка эса, ўлкаларни узун ваъдали ва  
ҳақиқий жараёнлардан четлатади. Бу  
синдромларни энг кўп яшаётган ва  
ўтмишда ҳам яшаган ўлка – Туркия-  
дир...  
Қизил олма  
Туркия учун миллий ҳадафлардан  
бирининг – замонавий, яъни, Ғарб  
фуқаролик тузуми эканлиги тўғри.  
Аммо бунинг-ла бирга, мил-  
лий бир стратегия ҳадафига ҳам  
йўналишимизни алоҳида бир гео-  
политик вазиятимиз ва этник келиб  
чиқишимиз ҳам такозо этмоқда.  
Қисқаси, “замонавий” фуқаролик  
тузимини Ғарбдан ахтарар экан, асл  
қучимизни айна замонда Шарқда,  
Ўрта Осиёда, Қарфқазларда эттириши-  
миз, қучимизни минтақадаги қардош  
тўплиликлардан олишимиз керакдир.  
Балки, Усмонли ўзининг юксалиш  
(Давоми кейинги бетда)

(Давоми: Боши олдинги бетда)  
даврида Қизилолмани Ғарбдан эмас, Шарқдан ахтарганида тезроқ топган бўлар ва салтанатини узоқроқ тутиб турган бўлармиди... Ҳар ҳолда, бугун Туркиянинг Қафқазларда ва Ўрта Осиёда – АҚШ ва Ғарбдан ҳам кўра кўпроқ – узоқни кўзлаган сиёсати бўлиши лозим. Каримовни мамнун

### Шоирлари маддоҳу, шоири хўрланган юрт

Шу йилнинг ноябр ойида Ўзбекистон Олий судида шоир – “ЭРК” Партияси раиси Муҳаммад Солих, ўзларини Ўзбекистон исломий ҳаракати деб атаётган ташкилот раҳбарлари устидан ўтказилган суд жараёни тугади, ҳукм ўқилди.  
Суд жараёни ва ҳукми тўғрисида инсон ҳуқуқларини химоя қилувчи халқаро ташкилотлар, чет эл матбуот органлари томонидан, тан олиш керакки, демократия доирасида турли-туман фикрлар, муносабатлар билдирилди, мақолалар эълон қилинди. Улардан фарқли ўлароқ Ўзбекистон матбуоти суд жараёнини мутлақо бир ёқлама жазоланувчиларга қаратган ҳолда, равшанки, юқоридагиларнинг кўрсатмаси асосида ёритди. Айтилган гаплар, ёзилган мақолаларда инсонни камситадиган, ҳақоратлайдиган барча сўзлар қўлланилди. Корхона, ташкилот, ўкув юртлари, маҳалларда “Ватангадолар”, “Халқ душманлари”, “Оқпадарлар”, “Мустақиллик душманлари” каби сўзлар билан бошланган Совет замонини эслатувчи шиорлар остида йиғилишлар ўтказилди. Айниқса, Республика ва вилоят телевидениелари орқали лаганбардор журналистлар шаҳарларда кўчама-кўча сандирақлаб ўтказган сўровларига, гарчи суд жараёни тугамаган бўлса-да, баъзи лақмалар уларни (судга тортилганларни) қамаш керак, деб валдирашлари, халққа қайта-қайта намоёиш этилди.  
Суд жараёни якун топди, ҳукм ўқилди. Ушбу жараён атрофида ҳукумат томонидан ташкил қилинган кампания – ўзига хос шоу, айтилган гап-сўзлар ҳам гўёки тўхтагандек. Аммо Республика ахборот воситаларида айтилмай қолган сўзлар, билдирилмаган фикрлар ҳам бор. Айниқса, мен билган шоир – партия раиси тўғрисида. Ҳа, ўша халқ дардини, юрт муаммоларини биринчилардан бўлиб кўтариб чиққан – ўз дарди деб билган, Ватан, миллий ғурур учун Совет замонидаёқ курашга отланган, аммо баъзи “халқпарварлар” томонидан камситилган, ҳақоратланган шоир ҳақида.  
Йўқ, мен бу сўзлар билан унга тасалли бермоқчи, юпатмоқчи эмасман, унинг темир иродаси борлигини, бундай тавозеларга мойил эмаслиги-

этмак учун Муҳаммад Солихни четламак – бу визённинг ижоби бўла олмайди.  
Туркия каби бир давлат учун Англиянинг, Американинг ва Франсизларнинг йилларча ўйнаган ва ҳозир ҳам ўйнаётгани бу “Буюк Ўзининг” ҳақиқий бир шаклда ўйналишининг йўли бўлиши лозим...

ни биламан. Зеро, у 80-йиллардаёқ куйидаги сатрлар орқали бундай камситишларга, ҳақоратларга тайёр эканлигини айтган эди.

*Мен ҳар сўзим учун қулги бўлишга,  
Махара бўлишга турибман тайёр.*

Айтмоқчи бўлганларим – нима учун у кураш майдонида тушди, нима сабабдан Ватандан кетди, нега судга тортилди?!  
Аслида у кўплаб маддоҳ шоиру ёзувчилар сингари “юртбоши” атрофида бўлиши, унга ясама табассумлар қилиши, ҳамду сано ўқиши ва бунинг эвазига катта-катта мукофотлар олиши, Ўзбекистон қахрамони бўлиши, хаттоки Парламентда каттароқ курсини эгаллаши ҳам мумкин эди. Аммо у виждон амрига зид бормади, ўзга йўлни танлади.  
Ўша йилларда

*“Бу ватан меники” десангиз бирор  
Одам туриб демас сизга “бу ёлгон!”  
Чунки, ҳақиқатни айтасиз такрор,  
Айтиб, мен сингари йиғламайсиз қон.*

деб ёзар экан, бу сатрлар хур Ватансиз яшаш ортиқ мумкин эмаслиги ҳақида унинг хайкириғи эди. Зеро, Орол фожеаси, болалар ўлими, деҳқоннинг хароб аҳволи, камкон оналарнинг сўлғин чехралари уни бефарқ қолдирилмас эди. Шунда у Совет замони шоирларга берган барча имтиёзлардан воз кечган ҳолда

*Турдим, санчиб турдим, ўзимга  
келдим,  
Шаккок фарзандингни афу эт, Ва-  
тан,  
Гўзал кафанларни эғнимдан юлдим.  
Тушдим, сақраб тушдим, тилла  
тобутдан!*

деб ёзар экан, бу унинг кураш майдонида тушганига ишора эди. Ўша кундан эътиборан у халқимиз мустақиллиги учун кураш бошлади. Ҳа, ҳозирда ҳукумат тепасида турган “катталар” Москвадаги хўжайинлари соясига қуллук қилиб турган замонларда у Республика муаммоларини биринчилардан бўлиб, ошқор кўтариб чиқди. “Бирлик” халқ ҳаракатини тузишда фаоллик кўрсатди. “ЭРК” Партиясини тузди. У бошлиқ мустақиллик декларацияси Парламент сессияси кун тартибига киритилди ва қабул қилинди.

Бугуннинг устивор фикри:  
“Ўзбекистондаги бугунги таҳликали вазиятнинг ягона сабабчиси, у ердаги тоталитар режимдир. Радикализм ва террор бугунги режимнинг захарли мевасидир.” (Муҳаммад Солих, ЭРК Партияси лидери)  
Алтемур Қилич,  
“Туркия” Газетаси, 08.10.2000

1991 йилги хунта томонидан давлат тўнтаришга бўлган уринишни ошқора қоралаб чиққан ягона инсон ҳам ўша шоир ва у бошқарган “ЭРК” Партияси эди.

У орзу қилган Республика мустақиллиги ҳам амалга ошди. Аммо унинг илк меваларидан шоир бахраманд бўлолмади. Чунки мустақилликни биринчи кунларидан бошлаб шоир коммунистик ҳукумат томонидан таъқиб остига олинди. Сабаби Республикада халқнинг хароб аҳволи, коррупция ва порахўрлик авж олаётганлигини “ЭРК” Партияси ва унинг лидеридай дангал айтган бошқа партия ва инсон йўқ эди. Бундан чўчиган ҳукумат ундан қутилиш йўлини излади. Уни “давлат тўнтаришини уюштириш” да айблади. Қамоқхонага ташлади. “Танга ўғриси”га чиқарди ва ниҳоят юртдан чиқиб кетишга мажбур қилди. Бу билан ҳукумат тинчланмади, унга қарши кампанияни авж олдириди – 16 феврал воқеасини ўйлаб топди. Бир кўрнамак сотқин орқали ушбу воқеа асосида “Қашқирлар галаси” номи китоб чоп эттирилди. Уни янада бадном қилиш ниятида ноябр ойида суд жараёни ташкиллатилди. Зеро, ҳукумат учун ундан кўра кучлироқ муҳолиф йўқлиги аён бўлиб қолди ва унинг олдини олиш зарурати юзага чиқди.  
Бундай кўргиликлардан шоир тушқунликка тушгани йўқ, аксинча ўз кураш йўлини шараф деб билди ва давом эттирмоқда.

*Бир ёнда ожизу бир ёнда кучли,  
Кураш бошланаркан тарафма-тараф  
Ожизнинг ёнини олганинг учун  
“Хоин” деб ном олмоқ нақадар шараф!*

Ҳа, шоирни ҳар қанча ҳақоратламасинлар, хўрламасинлар – ўзи танлаган йўлдан қайтмаяжак, қайтмайди ҳам! Ахир...

*Гоҳо қувонч кирар юракка:  
Менда ахир имкон бор ҳали  
“Шеър – севги”, деб алдамасликка  
Озодликни севган инсонни!  
Бисотимда имкон бор, ахир –  
Қаламни синдириши имкони!*

**Мирзо Равшан Самарқанд, 2000 йил, декабр**  
(Давоми келгуси сонда)

## ВУЖУДНИ ТОЗАЛАШ

(Давоми: Боши ўтган сонларда)

Жигарни тозалашда диққат қилиниши керак бўлган хусуслар: Кеч соат 19.00 да жигар тозаланиши учун ётаётиб, жигар устига илик сув халтаси қўйиб ўнг томонга қараб ётиш, муҳим.

Соат 19.00дан 21.00гача зайтун ёғи + лимон суви аралашмаси ичакка тушади. 21.00дан 24.00гача бўлган вақт биологик таъсир вақтидир. Бу вақтларда сафро косаси (ўт пуфаги) ва жигарга кўп энергия келади, фақатгина бу соатларда тозаланиш тўлалигича амалга ошади.

Жигарга қўйиладиган сув халтаси илик бўлиши керак. Аммо сув жуда иссиқ бўлса, жигардаги ифлос нарсаларни қамаб, ташқарига чиқишларига тўсқинлик қилади.

Яна шунга эътибор бериш керак-ки, агар аралашма ичилганидан сўнг соат 24.00гача катта ҳожат келмаса, соат 02.00гача кутилади, бу ҳам натижа бермаса, клизма қилинади. Агар 02.00да катта ҳожат келмаган ва клизма ҳам қилинмаган бўлса, жигардан ичакка тушган қолдиқлар организмни захарлаши мумкин.

Тозалашдан кейин, эрталаб соат 07.00да клизмадан сўнгра 2-3 ош қошиғи ёғсиз, тузсиз гуруч бўтқаси ейилади. Бу бўтқа тозаланган жигарни ёпади.

Тозалангандан кейин 3 кун давомида жигарни мухофаза қилиш мақсадида энгил таомлар ва мева ейиш, мева суви ичилиши керак.

Тухум, қора чой, қахва, шакар, туз, консерва, тайёр таом (озука саноати маҳсулотлари) ва ичимликлар ейилмаслиги керак.

Жигар тозаланганидан сўнг оғриқ, санчик, кўнгил айнаши каби муаммолар бўлса, бу тошлар тушаётганининг аломатидир. Бу пайтда саримсоқ билан зайтун ёғи + лимон суви аралашмаси ичилади. Мева, қатиқ, сабзи ёки қизил лавлаги сувларини ичиш керак. Ич кетса, ҳавотирланмаслик керак, 2 кун давомида ҳам тўхтамас, ич кетиши даволаниши бошланади. (“Ич кетиши” бўлими Жигар тозаланишидан кейин қонда холестерин нормал ҳолатга келади. Кейин янгидан кўтарилиши мумкин. Бу кўтарилишнинг сабаби қуйидагича: Тозаланишдан кейин жигар қувватланади. Қувватга кирган жигар ҳазм бўлмаган ва тери остида, мускуллар орасида тўпланган ва йиллар давомида сакланган ёғ қолдиқларини (маргарин ва трансген ёғларни) қон ёрдамида, ҳуснбузар ва яралар билан ташқарига чиқаришга ҳаракат қилади. Бу пайтда холестериннинг кўтарилиши хавфли эмас. Тана холестеринни бошқариб туради. Бу ҳолатда ёғ сифатида фақат зайтун ёғи ишлатиш, саримсоқ ютиш ва

ейиш, яшил сабзавот ейиш, лимон, грейпфрут, олма суви ва розмарин ёки жамбул чойи ичиш керак.

Эмизикли аёллар тозаланишнинг учинчи куни (яъни зайтунёғи аралашмаси ичилган кун) соат 23.00дан эртаси эрталаб 11.00гача боласини эмизмасликлари, сутни соғиб ташлашлари керак. Агар эртаси кун ҳолсизлик ёки ошқозон айнаши каби муаммолар бўлса, бу ҳолат тозаланиш жараёнининг ҳали ҳам давом этаётганига ва тана ичидаги захарларнинг чиқариб ташланиши давом этаётганига ишоратдир. Бу ҳолатда она соғайгунича боласини эмизмай туради. Чунки тозаланиш давомида чиққан токсинлар сутга аралашини ва бола соғлигига зарар бериши мумкин. Лекин бу ҳолат 24 соатдан кўп давом этмайди. Шу пайтда она сутни соғиб ташлаши керак. Боланинг оч қолиши фойдали, фақат болани оч қолишини хоҳламаганлар 100 гр илик сувга 1 чой қошиқ табиий асал аралаштириб, 4 соат танаффус билан 2 марта беришлари мумкин.

### Сафро косаси жарроҳлигидан ўтганлар учун жигар тозалаш

Бу ҳолда ошқозон ва ичакларнинг давоси қилинади ва 3 ҳафта давомида ҳар куни эрталаб 30 гр саримсоқли зайтун ёғи + 30 гр лимон суви ичилади. Ҳамма таомларда фақатгина саримсоқли зайтун ёғи ишлатилади, яъни таом, устига саримсоқли зайтун ёғи қуйилади. Кейинги 3 ҳафта давомида эса ҳар куни эрталаб янги анжир ёки зайтун ёғида турган 3 дона қуруқ анжир ейилади, таомларда фақат саримсоқли зайтунёғи ишлатилади. Бу тарзда кунига 30-50 гр саримсоқли зайтун ёғи истеъмол қилинади. Янги анжир мавсумида бўлса, ҳар куни эрталабдан хоҳлаганча анжир ёки қизил узум ейилади ва кечгача ҳеч нарса ейилмайди. Кечкурун бир марта овқатланилади. Буни ҳар кун қила олмаганлар ҳафтада 1-2 кун қилишлари мумкин.

Ичак даволаниши танаффуссиз 6 ҳафтада тамомланади. Охириги 2 ҳафта ичида 3 кунлик танаффуслар билан 3 марта 3 кунлик очлик қилинади, кейинроқ 3 кун мева суви ичиб, 3 –нчи кун кечкурун жигар тозаланади.

### Оҳакдан тозалаш

Тиш тошлари, тирноқлардаги оқликлар ва синиклар, бадан эластиклигининг йўқолиши, бўғим касалликлари, астма, бел ва бўйин грижаси баданда оҳак йиғилганини кўрсатади. Оҳак йиғилишидан қутилиш учун аввал ошқозон ва ичакларни даволаш ҳамда жигарни тозалаш керак.

Бундан кейинги 2 ҳафта давомида: 1-чи кун - 3 лимон, 2-чи кун - 5 лимон, 3-чи кун - 7 лимон, 4-чи кун - 9 лимон, сўнг 10 кун давомида кунига 10 лимон суви сув билан аралаштирилиб, тушлик ёки асргача ичилади. Яъни 1-2 лимон суви 150-200 гр сув билан аралаштирилади ва ҳар 2 соатда бир, жами 5-10 стакан ичилади. Лимон суви ича олмаганлар 5-7 стакан грейпфрут сувини сув билан аралаштириб, ҳар куни эрталабдан асргача ичишлари мумкин. Асрдан сўнг анжир, узум, олма, олхўри, олча, гилос ёки тарвуз ейишлари мумкин. Шомга яқин бир хил таом билан пиёз, саримсоқ, кўкат ва зайтунёғидан қилинган салат ейиш мумкин. Бу амалиёт, доктор бошқа тавсия бермаган бўлса, қўлланади. Доктор тавсияси билан қилинадиган оҳак тозалаш қуйидаги дастур бўйича қилинади. 2 ҳафтадан сўнг эрталаблари 1 қошиқ магнезиум сульфат (Англия тузи) сув билан аралаштирилиб, ичилади. Кейин 100 гр лимон суви + 200 гр апельсин суви + 400 гр грейпфрут суви + 1400 сув аралаштирилади ва ҳар соат бошида бир пиёла фимиам ичилади. Аралашмадан кечгача исталган микдорда ичса бўлади. Меъёри 2,5-3 литрдир. Шу зайдда 3 кун давом эттирилади.

Уч кун давомида эриган оҳак ва захарли моддалар каттиқ ич кетиши билан чиқиб кетади.

Иккинчи марта жигар тозалашга эҳтиёжи бўлганлар учинчи кун кеч соат 19.00 дан эътиборан жигарларини тозалашади. (“Жигар тозаланиши” 3-чи кун бўлимига қаранг.) 3 кундан кейин мева ва сабзавот ейишдан тортиб, нормал озиқланиш бошланади. Бу кунларда буйрак, қовуқ ва сафро косасида (ўт пуфагида) тўпланган қум ва тошлар тўкилиши мумкин. Буни кўриш учун кунлик сийдикни бир шиша идишда тўплаб, 2 кун кутиш ва кузатиш керак.

### Буйрак ва қовуқни (сийдик пуфагини) тозалаш

Оғриқни кесувчи, ҳароратни тушурувчи, аспирин ва бошқа кимёвий дорилар ишлатиш, кўп ейиш, табиий бўлмаган таомлар ейиш, аралаш ейиш, тез-тез ейиш, кўп пишлоқ ейиш ва сут ичиш, янги ачитқили нон, пишган исмамоқ ва помидор соусли таомларини тез-тез ейиш, таомдан кейин ҳазм тугамасидан мева ейиш; туриб қолган сув, қора чой, қахва ва тайёр ичимликлар ичиш; еб бўлиб қўп ва тез ҳаракат қилиш; тор шим ва тор оёқ кийим кийиш буйрак ва қовуқда (сийдик пуфагида) тош пайдо бўлишига замин ҳозирлайди.

(Давоми кейинги бетда)

## ВУЖУДНИ ТОЗАЛАШ

*Давоми боши олдинги бетда*

Буйрак ва ковокда тош пайдо бўлишининг сабаблари: ҳазмнинг бузилиши; буйрак таркибидаги ўзгаришлар, буйрак касалликлари, диабет каби метаболизм бузилишлари, шиш ёки ич қотиши сабабидан жигар, талок, бачадон, тухумдонлар ва ичакларнинг катталаниши натижасида буйракларнинг сиқилиши. Тош ва қумларни майдалаб сийдик билан чиқарувчи дорилар: маймун-жон томири, дафна томирининг пўсти ва меваси, петрушка уруғи, турп уруғи, кора турп уруғи, турп баргининг суви, шувоқўти, долчин, артишок суви ва томири, сабзи уруғи, жамбул, қоразира, арпабодиён, мисвок. Тош йиғилишининг олдини олувчи, сийдик орттирувчи ва қолдикларнинг сийдик билан ташқарига чиқишига ёрдамлашувчи дорилар: тоза сув, сабзи, қизил лавлаги, исмалоқ, петрушка, селдир ва барги, лимон ва грейфрут сувлари, тарвуз, тарвузнинг уруғи ва пўстлоғи, кичитки ўти (газанда), ковун уруғи. Бу ерда пиширилган исмалоқ ва туриб қолган сув тош пайдо қилувчи, фақатгина янги исмалоқ ва унинг суви, тоза жонли сувлар тош эритувчи сифатида кўрсатилган. Янги помидор ва исмалоқ таркибидаги оксалацид кислотаси актив оҳак эритувчиларидан биридир. Аммо помидор ва исмалоқнинг пиширилиши натижасида оксалацид ўзининг табиий, доривор таркибини йўқотади ва, аксинча, тош йиғади. Туриб қолган сув хусусиятлари билан танишиш учун “Сув” бўлимига қаранг.

### **Буйрак ва ковокни (сийдик пуфгани) тозалашга тайёргарлик**

3 қошиқ майдаланган седана 200 гр асал билан қориштирилиб, 3 бош эзилган саримсоқ билан аралаштирилади. Кунига 3 марта 1 ош қошиқдан ейилади. Бу дорини ичгандан кейин ҳар сафар бир лимон пўсти билан ейилади ёки 1-3 лимон сувининг 50-150 гр сув билан аралашмаси ёки грейфрут суви ичилади. Бу 3-5 кун давом этади  
Ёки: 100 гр лимон суви + 100 гр зайтун ёғи + 3 бош эзилган саримсоқ + 50 гр янги сиқилган петрушка суви аралаштирилади ва эрталаб ҳамда кечкурун бу аралашмадан 50 граммдан ичилади. Юқоридаги 2 усулдан бирини қўллаётганда, арпа суви ҳам ичилади: 200 гр уруғлик арпа 2 литр сувда 3-4 соат ҳўллангандан кейин шу сув билан 1,5 соат паст оловда қайнатилиб, сузилади. 1 пиёла арпа сувига 1 чой қошиқ асал қўшиб, кунда 2-4 марта 3-5 кун давомида ичилади. Арпа ўрнига айни шаклда уруғлик сули ҳам ишлатиш мумкин. Шу 3-5 кун давомида ичимлик си-



фатида янги сиқилган мева-сабзавот суви ва тоза сув; таом сифатида эса янги яшил салат ва мева истеъмол қилиш тавсия қилинади.

Буйрак ва ковокнинг тозаланишидан мақсад тошларни парчалаш, қопламаларни ва оҳакларни эритиб, тушириб юбориш, буйракларни қувватлантириш ва жигар тозаланишини тамомлашдир.

Буйрак ва ковокни (сийдик пуфгани) тозалашда қуйидаги 3 усулдан бири қўлланади.

1 усул: Ошқозон ва ичакларнинг даволаниши, жигарни, оҳаклар билан буйракни тозалашга тайёргарлик жараёнлари қилинганидан кейин: Тенг миқдорда дафна (лавр) меваси + ёввойи жамбул + қоразира + «калина» дарахтининг пўсти + занжабил + долчин майдаланади. 3 кун давомида эрталаб, тушда ва кечкурун 2,5-3 гр (1 чой қошиқ) дан кунда 3 марта илик жамбул чойи билан ичилади. Бу аралашмадаги “калина» пўсти ўрнига арпабодиён, лавр меваси ўрнига лавр барги ишлатилиши мумкин.

Шу 3 кун давомида таом ейилмайди, мева-сабзавот сувлари ичилади: 1 дона лимон суви ярим стакан илик сув билан аралаштириб, 4 марта ичилади. Тошларнинг катталигига қараб бу миқдор (4 марта ичиш) ни 7 гача чиқариш мумкин. Тенг миқдорларда сабзи суви + қизил лавлаги суви + бодринг суви + сув аралаштирилади ва кунда 4 стакан 7 стакангача ичилади. Бошида 1 стакан лимон суви аралашмаси ичилади, лимон суви аралашмасидан кейин 1 соат, сабзавотлар суви аралашмасидан кейин эса 2 соат танаффус бериш керак. Шу тарзда 3 кун давом эттирилади. Юқорида, айтилганидек бу вақт ичида ҳеч нарса ейилмайди.

Изоҳ: Лимон суви ича олмаганлар унинг ўрнига грейфрут суви ёки юқорида айтилган сабзавотлар суви аралашмасини ичишади. Кунда 2 марта сабзавотлар суви ўрнига петрушка суви + селдир барги, сачратки ва

кичитки ўти (газанда) суви ишлатиш таъсирлироқ.

2 усул: Эрталаб: 1-чи усулда айтилган аралашма ўша шаклда тайёрланади ва кунда 3 марта ютилади.

Қорин очганда уруғи ва пўсти билан бирга сиқилган тарвуз сувини хоҳлаганча ичиш мумкин. Ичиладиган миқдорнинг меъёри 2,5-3 литрдир. Ёки 3 кг тарвуз уруғлари билан ейилади ва кунда 200 гр тарвуз пўстининг суви ичилади.

Шу ҳолат 3 кун давом этади. Бошқа ҳеч нарса ейилмайди.

3 усул: 1-чи усулда айтиб ўтилган аралашма тайёрланади ва кунда 3 марта ютилади. 200 гр пўстлокли арпа ёки сули 2 литр сувда 2-4 соат ҳўлланади. Сўнг 1,5-2 соат секин аста қайнатилади ва сузилиб, кунда 8-10 пиёла ичилади. Бундан ташқари, яшил сули ёки арпа сомони 20-30 дақиқа қайнатилиб, ҳаммомга ишлатилади. Шу шаклда жамбул ҳам ишлатилиши мумкин. Тошларни тўқишга ёрдам беради, сангикни енгиллатади. (“Мускул ва суяк касалликлари” бўлимига қаранг.)

### **Жуда кучли дорилар:**

Катта, эски тошларни ва бошқа усуллар билан эримаган тошларни эритиш учун буйрак ва ковок тозаланигандан кейин қуйидаги кучли дориларни ишлатиш ва юқорида айтилган мева ва сабзавот сувларини ичиш керак. Жўжа тухумдан янги чикқанида тухумнинг пўстлари ювмасдан қуригилади. Сўнг яхшилаб майдаланиб, эрталаб ва кечкурун 1 чой қошиқ сув билан ютилади. Ёки: 15 гр чиннигул + 30 гр тарвуз уруғи + 30 гр нўхот (энг яхшиси қора хинд нўхоти) педча ёкилади. Кули яхшилаб эзилиб, аралаштирилади ва эрталаб ҳамда кечкурун битта чой қошиқдан сув билан ютилади. Орқасидан 150 гр семизўти суви + 30 гр селдир баргининг суви + 50 гр сув аралашмаси ёки юқорида айтилган сабзавотлар суви аралашмаси ичилади. Бу орада кўп кўп тарвуз суви ичилади. Шу тарзда уч кун давом этилади, ҳеч нарса ейилмайди.

### **ОЙДИН СОЛИХ**

*“Ҳақиқий тиббиёт” китобидан  
(Давоми келгуси сонда)*



“Эркин Юрт” интернет-газетаси  
Мустақил манбааларнинг  
маълумотларидан фойдаланилди.  
Масъул муҳаррир  
**Камолитдин Йўлдош**